

РЕСПУБЛИКА «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ



«Оила» кутубхонаси

УМАРОВ БАХРИДДИН МЕНГБОЕВИЧ

БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ БУЗИЛИШИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЮЗАСИДАН ОТА-ОНАЛАРГА МАСЛАХАТЛАР

*(Ота-оналар, маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари,
маҳалла посбонлари учун услубий қўлланма)*

«Akademnashr» nashriyoti

MAJBURIY NUSXA

Тошкент
«Akademnashr»
2012

УДК: 37.018.12

КБК 74.90

У-47

Оилавий тарбия пер-си

У-47

Умаров, Бахриддин.

Болалар тарбияси бузилиши ва унинг олдини олиш юзасидан ота-оналарга маслаҳатлар: ота-оналар, маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари, маҳалла пос-бонлари учун услубий қўлланма / Б.Умаров; нашр учун масъул Х.Мамадалиев. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – 48 б.

ISBN 978-9943-389-84-7

УДК: 37.018.12

КБК 74.90

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги 175-сонли қарори «Ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулияти ва фарзандлар билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга доир услубий қўлланма ва тавсияларни тайёрлаш, жойларга етказиш» номли 1-банди ижросини таъминлаш ҳамда А1-ФҚ-0-17406, А1-073 «Оилада ёшларнинг салбий иллатлардан холи бўлиб вояга етишида ҳуқуқий маданиятли ота-онанинг таъсир даражасини илмий тадқиқот этиш» мавзусидаги лойиҳа доирасида тайёрланган.

Қўлланма ота-оналар ва маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари, маҳалла посбонлари тарбияси оғир болалар билан ишлаш жараёнида қўллаши мумкин бўлган зарурий психологик тавсияларни ўз ичига қамраган.

Услубий қўлланмада тарбияси қийин болаларнинг пайдо бўлиши сабаблари, болалар ва ўсимирларда хулқ оғишининг келиб чиқишида ижтимоий муҳит ва оилавий тарбиянинг ўрни, носоғлом оила ота-оналари билан психологик, педагогик усуллар асосида ишлаш, болалар хулқ-атворидаги салбий оғишлар типологияси, тарбияси қийин болалар билан ишлаш учун намунавий дастур ва машеулотлар, вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғишининг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирлар, тарбияси қийин болалар билан ишлаш тадбирлари ва бошқа маълумотлар ўрин олган.

Тақризчи:

Республика маънавият тарғибот маркази

Нашр учун масъул:

Қасиёв Мамадалиева, иқтисод фанлари номзоди

Республика «Оила» илмий-амалий маркази Илмий-услубий кенгашининг 2012 йил 31 июлдаги 6-сонли қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

© Умаров Бахриддин Менгбоевич «Болалар тарбияси бузилиши ва унинг олдини олиш юзасидан ота-оналарга маслаҳатлар».

© «Академнашр» нашриёти, 2012 йил.

ISBN 978-9943-389-84-7

Ю 40513
D q.

**Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг
нафақат ишончимиз ва келажакимиз,
ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимиз-
нинг ҳал қилувчи кучидир.**

И.А.Каримов

КИРИШ

Мустақил Ўзбекистоннинг ақлан баркамол, маънан соғлом ёшларини, бўлажак ватанпарварларни тарбиялаш ота-оналар, педагог, психолог ҳамда тарбиячилар зиммасига катта масъулият юклайди. Улар нафақат билимдон болаларни, энг аввало, ана шу билимларни эгаллашни ўзининг бурчи деб билувчи миллий кадрларни шакллантиришга жавобгардир.

Маълумки, ўзбек халқи бой маънавий, маданий қадриятларга эга. Ана шу қадриятлар, урф-одатлар, расм-русумлар ва тарбия усуллари орқали боболаримиз, момоларимиз фарзандларини тарбиялаб вояга етказган. Миллий қадриятлар руҳида тарбияланган фарзандлар одоб-ахлоқда, ақл-заковатда, меҳр-оқибат ва элпарварликда, жасурлик ва мардликда ном қозонган.

Хабарингиз бор, халқимиз узоқ йиллар мобайнида европача турмуш тарзини бошидан кечирди. Бир неча минг йиллик урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар ва миллий тарбия усуллари ўрнига ғарбона маданият кириб келди. Улар баъзан таъйиқ орқали ҳам сингдирилди. Натижада халқимиз тарихан шаклланган бой маданий ва маънавий меросидан, оилавий тарбия усулларидан айрилди.

Назаримизда, мазкур ҳолат бугунги кунда ўзбек оилаларидаги тарбияга қайсидир маънода салбий таъсир кўрсатди. Натижада оилавий тарбиянинг таъсирчанлик роли пасайди. Ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатлар кескинлашди. Оилаларда меҳр-оқибат, кичикларга иззат, катталарга ҳурмат камайиб бормоқда. Бу эса атрофга, жамиятга ҳам таъсир эта бошлади. Шу боисдан бўлса керак, ҳозир кўча-кўйда ёшларнинг ўзини тутиши, муомала муносабатлари баъзан кишининг гашини келтиради.

Ота-оналар ва маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари, маҳалла посбонлари ўз фаолиятини педагогик жамоа, ота-оналар, васийлар, тиббиёт ходимлари, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари мутахассислари, балогатга етмаган ўсмирлар билан ишлаш тузилмалари, жамоатчилик ташкилотлари билан узвий алоқада, ҳамкорликда олиб бориши талаб этилади.

Мазкур қўлланма ота-оналар ва маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари, маҳалла посбонлари тарбияси оғир болалар билан ишлаш жараёнида қўллаши мумкин бўлган зарурий психологик тавсияларни ўз ичига қамраб олган.

БОЛА ТАРБИЯСИНИНГ БУЗИЛИШИ ВА ТАРБИЯСИ ОГИР БОЛАЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

Тарбиянинг умумий ижтимоий вазифаси ёш авлодда билим, кўникма, ижтимоий тажриба ва ахлоқ нормаларини шакллантиришдан иборат. Ёшларга тарбия бериш мақсадга йўналтирилган тарбиявий таъсир, ижтимоий ҳаётда муносабатга киришиш нормаларини яратишни назарда тутди.

Одатда, ҳар бир соҳанинг ўз устаси бўлади. Инсон қалбининг устаси эса психологлар ҳисобланади. Педагогларнинг яқин ёрдамчиси, болалар қалби ва руҳиятига йўл топа оладиган кишилар – психологларга бўлган эҳтиёж ҳозирги кунда таълим-тарбия соҳасида ортиб бормоқда. Бу борада халқ таълими тизимида амалиётчи психологларнинг фаолият кўрсатиши таълим мазмуни ва сифатини оширишда катта аҳамият касб этмоқда.

Мактабларда болаларга нисбатан баъзан «тарбияси қийин бола» жумласи ишлатилади. Тарбияси қийин болалар деганда кўпинча ҳолатларда вояга етмаганлар билан ишлаш назоратчилари рўйхатида ҳисобга олинган ёки олинмаган, гиёҳвандлик ва спиртли ичимликка ружу қўйган, ўғрилиқ ва безориликка мойил ўқувчилар назарда тутилади.

Кузатишлардан маълум бўлишича, тарбияси қийин болалар тарбия жараёнида педагогик таъсирларга қаршилиқ кўрсатади, уларнинг ҳулқида ўзини биз хоҳлагандай тутмаслик ҳолатлари кузатилади.

Тарбияси қийин болалар пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири уларда ўқишга нисбатан салбий муносабатнинг юзага келишидир. Одатда, бундай муносабатнинг пайдо бўлишига бошқа сабаблар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, ўқув фаолияти усули, мапакалари тўла таркиб топмаганлиги сабабли, нисбий билим олиш билан қаноат ҳосил қилиш, ўзлаштириш қобилиятининг суст ривожланганлиги, муайян вазиятларда ҳукм ва хулоса чиқаришда қийинчиликка дуч келиш, ўқитувчилар томонидан ўқувчига объектив баҳо берилмаслиги, ўқитувчининг боладаги индивидуал-психологик ва интеллектуал имкониятга етарлича эътибор қаратмаслиги, ўқитиш савиясининг пастлиги, дарсларнинг зерикарли ўтилиши ва бошқалар.

Тарбияси қийин болалар келиб чиқишининг яна бир сабаби уларнинг синф жамоаси ва турли хил жамоатчилик ташкилотлари билан яхши алоқада бўлмаслигидир.

Ўқувчи билан жамоа фикрининг мос тушмаслиги унинг жамоа ичида ўз ўрнини борган сари йўқотиб боришига олиб келади. Шунинг учун жамоа аъзолари ўсмирнинг қарашларини вақти-вақти билан ҳисобга олиши яхши натижа беради. Ўсмир

нинг фикр ва қизиқишларини жамоанинг қўллаб-қувватламаслиги ёки бепарволиги уни қонунбузарликка ундайди ва хулқ оғишининг келиб чиқиши учун имконият яратади. Натижада ўсмир учун келажак режаларининг поймол бўлиш хавфи туғилади. Уқишдан ва жамоадан юз ўгирган ўсмир ўз келажagini, орзу-умидларини мактаб ва жамоа фаолиятига боғлашдан кўра янги улфатлари билан алоқа қилишни афзал билади ва бошқа кишилардан нажот излайди. Натижада носоглом хулқли болалар тўдасига тушиб қолади ва улар хулқ-атвориға хос характерға эга бўлади.

Оилавий шароитнинг салбий таъсири ҳам тарбияси оғир ўсмирларнинг келиб чиқишиға замин ҳозирлайди. Айрим оилаларда бола учун зарур имкониятлар мавжуд эмаслиги боис, у нохуш ҳолат билан ёлғиз кураш олиб бориш кечинмалари билан яшайди. Ўсмир дунёсида оилавий шароитға нисбатан пайдо бўлган норозилик ҳисси кундан-кун авж олиб, ички кўзғолонға айлана боради.

Бундан ташқари, ота-она ўртасидаги муносабатларнинг носогломлиги, баъзи ота-оналарнинг спиртли ичимликларға ружу қўйиши ҳам ўсмирнинг руҳий дунёсига салбий таъсир кўрсатади.

Кузатишларимиздан маълум бўлишича, кўпинча ўқувчилар хулқидаги муаммо оиладаги ва таълим тизимидаги педагогик қаровсизлик натижасида юзаға келади. Педагогик қаровсизлик қуйидаги даражаларда тавсифланади:

1. Паст. Хатти-ҳаракат, хулқ-атвордаги беқарорлик. Ўз «мен»иға ортиқча баҳо бериш. Асосан, ёшиға хос бўлган характер белгиларнинг устунлик қилиши.

2. Ўрта. Катталар ва тенгқурлари билан алоқанинг бузилиши. Ўқиш ва меҳнатға қизиқмаслик, низолар эгоистик йўналишға асосланиши. Педагогик таъсир чоралари тўғри қабул қилинади, лекин унға амал қилинмайди.

3. Юқори. Салбий характер хусусиятлари яққол намоён бўлади. Ҳуқуқбузарлик ошқора қилинади. Катталар билан ўзаро муносабатда тажовузкор бўлади. Ўзи тўғри деб билган «ахлоқ»ини оқлашға уринади. Ҳуқуқбузарлик чегараларини тушуниб етмайди.

4. Криминал. Вояға етмаган ҳуқуқбузарлар бўлиб, уларнинг хулқ-атворини бошқариш имконсиз. Бундайлар ҳар қандай тарбия воситаларига қаршилиқ кўрсатадилар. Хатти-ҳаракатларида тажовузкорлик кўпроқ учрайди. Улар ҳуқуқбузарлик мотивларини ўзлари белгиланган «ахлоқий меъёр»лар билан ўлчайдилар, натижада жиноятға қўл урадилар.

Ота-она, энг аввало, бола тарбиясининг бузилиш сабабларини аниқлайди. Бунда болаларнинг кундалик ҳаётини, ўртоқлари даврасини, бола психологиясини ўрганиш, мактаб билан ота-она ўртасида узвий алоқани ўрнатиш, фан ўқитувчилари билан алоқани мустаҳкамлаш, фарзандининг дарс-

га қатнашини кузатиш, дарсдан ташқари фаолиятини назорат қилиш, турли савол-жавоблар ўтказиш орқали тарбияси оғир болалар билан ишлаш дастур ва режаларини белгилаб олиши зарур. Қолаверса, ота-она боланинг тиббий варақаси билан танишиб чиқиши керак. Унинг психик ривожланишидаги камчиликлар айти ўсмирлик ёшида ўз асоратини кўрсатади. Бундай болаларни диспансер назоратидан ўтказишда мактаб шифокори, туман соғлиқни сақлаш маркази, халқ таълими бўлими қошидаги «Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази» шифокори билан ҳамкорлик қилиши керак. Аксинча, бола соғлом, яхши ривожланган бўлса-ю, мактаб ҳамда оила тарбиясига бўйсунмаса, мазкур ҳолатда ота-она ўз таъсирини кўрсатиши талаб этилади. Аввало, ота-она ва маҳалла фуқаролар йиғини ходими ҳамда маҳалла посбони бола билан суҳбатлашиб нима учун унинг хулқида ўзгариш юзага келганини, кўча таъсирига берилганини, салбий норасмий гуруҳларга аъзо бўлиб қолиши, дарсни сабабсиз қолдириши, бўш ўзлаштириши, жамоат ишларида қатнашмаслиги сабабларини аниқлайди. Қуйида болаларда тарбиядаги бузилиш ва хулқ оғишини келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик сабаблар тўғрисида фикр юритиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, бирор-бир ижтимоий ва биологик ҳодисанинг содир этилиши учун қандайдир сабаб ва шароит бўлиши талаб этилади. Қандайдир сабаб иккинчи бир ҳодисанинг юзага келишига туртки бўлади. Бу фалсафий нуқтаи назардан қаралганда сабабий боғланишлар жараёни тарзда тушунтирилади. Худди шундай хулқ оғишининг келиб чиқиши ҳам қандайдир сабабий боғланишга боғлиқ ҳолда юзага чиқади.

Болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсир этувчи сабаб ва омилларни ўрганарканмиз, уларнинг субъектив ва объектив кўринишларини бир-биридан фарқлаш лозим бўлади.

Хулқ оғишининг субъектив сабабларига ўсмир шахсининг қизиқиш ва эҳтиёжлари, дунёқараш ва маънавий олами, мақсад ва йўналишлари, қадриятлари, ҳуқуқий онги, ҳаётий режалари, турмуш тарзи ва мотивлари киради. Субъектив шарт-шароитларга эса аҳолининг демографик ва ижтимоий-психологик хусусиятлари, хусусан, этнопсихологик жиҳатлари, характери, темпераменти, ёши ва жинси мансуб.

Объектив сабаблар сифатида жамиятдаги носоғлом муҳит, шарт-шароит, иқтисодий ва сиёсий беқарорлик, кичик ижтимоий гуруҳлардаги ижтимоий-психологик шароит, кишилар билан муносабатлар намён бўлади.

Хулқ оғишининг объектив шарт-шароитлари эса жамиятдаги ташкилий ва тех-

ник хатоликлар, бошқарув тизимидаги камчиликлар, қонун-қоидаларнинг талабга жавоб бермаслиги ва бошқалардан иборатдир.

Қуйида биз болалар ва ўсмирларда хулқ оғишини келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик сабаблар тўғрисида фикр юритишга уринамиз.

Хулқ оғишининг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, энг аввало, у юзага келган ижтимоий муҳит хусусиятларини ўрганиб чиқишни тақозо қилади. Чунки хулқ оғишини умумий кўринишида олсак, у бирор-бир шахсга хос субъектив хулқ-атвор натижаси эмас, балки субъектив ва объектив жараёнлар, шарт-шароитлар, муносабатлар натижаси сифатида юзага келади. Шу нуқтаи назардан ижтимоий жараёнларнинг индивидуал хатти-ҳаракатларга таъсири масаласига ойдинлик киритиш зарур.


Маълумки, инсон ижтимоий муносабатлар қуршовида яшайди. Ижтимоий муносабатлар ва жараёнларнинг шахсга таъсири масаласи ижобий ёки салбий кўринишда бўлиши мумкин. Индивидга ижтимоий жараёнларнинг ижобий ёки салбий таъсир этиши, биринчидан, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқ бўлса, иккинчидан, ижтимоий муҳит воқеа-ҳодисалари хусусиятлари ва шарт-шароитлари мазмунига кўра кўзга ташланади. Яъни ижтимоий муҳитнинг соғлом ёки носоғломлиги ва унинг таъсирчанлик даражасига кўра индивидга у ёки бу кўринишда таъсир этади ҳамда жиноятчилик хулқининг келиб чиқиши учун қайсидир маънода имконият яратади.

Шахс хулқ-атворидаги бузилиш ижтимоий муҳитнинг ўзига хос жиҳатлари, яъни соғлом ва носоғломлигига, индивиднинг феъл-атвори, характер хусусиятлари, ижтимоий меъёрлар ва шахс ўртасидаги зиддиятлар ҳамда уларнинг зўрайиб бориши кабиларга боғлиқ бўлади. Шахснинг дунёқараши, яъни қадриятлар ориентацияси, ижтимоийлашуви ва индивидуал ҳиссиётларининг ижобий тарзда шаклланиши, намоён бўлиши кишини жамият ва инсоният учун фойдали хатти-ҳаракатларга ундайди.

Шуни унутмаслик керакки, ташқи муҳит ёки ижтимоий воқеа-ҳодисалар ҳар доим ҳам хулқ оғишининг келиб чиқиши учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Қачонки ижтимоий воқеа-ҳодисалар ва индивид ўртасида қарама-қаршилик ва зиддиятлар юзага келса, жамиятда ҳукм сураётган ижтимоий нормалар индивид томонидан қабул қилинмаса ҳамда ижтимоий муҳитда хулқ оғишининг келиб чиқиши учун етарли шарт-шароит мавжуд бўлса, хулқ оғиши келиб чиқиши мумкин.

Хулқ оғишининг шаклланиш жараёнини қуйидаги схемада ифодалаш мумкин.

Хулқ оғишининг шаклланиш жараёни схемаси



Бунга кўра, шахснинг ижтимоий воқелиқдаги турмуш тарзи, ҳаёт шароити, тарбияланганлик ва муайян вазиятлар тақозосига кўра хулқ оғишининг келиб чиқиши учун зарур шарт-шароит мавжуд бўлади. Муайян турмуш тарзи ва ўзига хос тарбия муҳотида камол топган шахс турли ҳаётий вазиятларда ижтимоий муҳит шарт-шароитларига кўра маълум зиддиятларга дуч келади ва уни енгиб ўтишга ҳаракат қилади. Шахснинг дунёқараши, қадриятлар ориентацияси ва онглик даражаси жинойи хатти-ҳаракатларга етакловчи ёки муайян ҳаётий вазиятларни юмшатишга қаратилган тўғри ёки ижобий қарор қабул қилинишини белгилайди. Хуллас, жадвалдан кўринадики, инсон ижтимоий ҳаётда турли вазиятларга дуч келади, аммо ундан оқилона чиқиб кетиш индивиднинг ақлий салоҳиятига, маънавий оламига, тарбияланганлик даражасига ва бир қатор ижобий шахсий фазилатларига боғлиқ бўлади. Уни, жадвалда берилганидек, шахс, хулқ-атвордаги ўзгариш ва хулқ оғиши тарзида ифодалаш мумкин. Кўрсатилган ҳар бир поғонанинг аҳамияти, ўрни ва давомийлиги турлича ва хилма-хил омилларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Қуйида хулқ оғишининг шаклланиш поғоналарини алоҳида-алоҳида ҳолда таҳлил қилиб ўтишга уринамиз.

Хулқ оғишининг келиб чиқишига асос бўлувчи омилларни кўриб чиқар эканмиз, биринчи навбатда, шахснинг маънавий жиҳатдан қашшоқлиги масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Шахснинг маънавий қашшоқлиги ижтимоий муҳит ва шахс ўртасидаги мураккаб вазиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Маънавий жиҳатдан баркамол шахс ижтимоий муҳит воқеа-ҳодисаларига нисбатан ижобий муносабатини намоён қилади.

Шахснинг ижтимоий ва психологик фазилатлари ижтимоий муносабатлар доирасида шаклланади. Индивид ижтимоий муҳит билан алоқага киришиш жараё-

нида хулқ-атвор нормаларини, маънавий, ижтимоий ва маданий тушунча ва тасаввурларни, янги-янги қизиқиш ва эҳтиёжларни эгаллаб боради. Шу билан бирга, ижтимоий муҳит ва инсоний тақдирнинг пассив кузатувчиси бўлмасдан, ўз турмуш тарзини, шарт-шароити ва шахсий ҳаётини ўзи белгилайди ва қуради. Демак, шахс шаклланишида инсоннинг қизиқишлари, интилишлари, мақсадлари муҳим ўрин тутати. Бундай фазилатларга эга шахс турли хил ҳаётий воқеа-ҳодисалар қуршовидан осонлик билан чиқа билади. Шунинг учун шахснинг ижтимоий фазилатлари, мустаҳкам ва қатъий ҳаётий позициясини, мақсад ва интилишларини шакллантириш вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғишининг олдини олишда ўта муҳим.

Шахснинг маънавий шаклланишига таъсир этувчи омиллар тўғрисида гапирилганда, биринчи навбатда, шахснинг ўзи, иккинчидан, кичик ижтимоий гуруҳлар, яъни оила, мактаб, маҳалла, учинчидан, ишлаб чиқариш жамоаси, тўртинчидан, жамият ва ундаги сиёсий, идеологик, маданий-маърифий, иқтисодий соҳаларнинг умумий ҳолати катта таъсир ўтказишини таъкидлаш лозим. Ушбу омилларга алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтадиган бўлсак, инсоннинг маънавий баркамоллигида шахснинг ўз ўрни, унинг қизиқишлари, ижтимоий мавқеи асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Чунки инсон ижтимоий муносабатларнинг пассив кузатувчиси эмас, балки унинг фаол иштирокчиси ҳам экан, у ўз шахсий интилиш ва қизиқишлари, ақлидроки билан ўзини ўзи тарбиялашга, юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга ҳаракат қилади. Индивиднинг ижтимоийлашувида шахснинг ўрни, иштироки, интилиш ва қизиқишлари пасайса, инсон маънавий баркамоллик сари эмас, аксинча, тубанлик сари юз тутати. Демак, инсоннинг маънавий баркамолликка эришишида шахснинг мақсад ва қизиқишлари, интилиши катта ўрин тутати.

Шахснинг шаклланишига таъсир қилувчи асосий омиллардан яна бири кичик ижтимоий гуруҳлар, яъни оила, мактаб ва маҳалла ҳисобланади. Энг аввало, бола оилада шаклланади, ижтимоий ўстанишларни ўрганади, ҳаётий тажрибаларни эгаллайди ва миллий қадриятларни англаб боради.

Боланинг камол топишида ва қандай шахс бўлиб етишишида оила, мактаб ва маҳалланинг ўрни беқийсдир. Улардаги вазият шарт-шароит, вояга етмаганларда хулқ оғишининг олдини олиш муаммоси турли йилларда бир қатор ҳорижий ва республикамик юрист, педагог, психолог, социолог олимлари эътиборида бўлганлиги кузатилади.

Болалар ва ўсмирларда бировлар ва ўз-ўзининг хатти-ҳаракатларига нисбатан танқидий нигоҳ билан қараш фаолиятининг султ ривожланганлиги уларни ноқонуний хатти-ҳаракатларни баҳолашда хатоликларга йўл қўйишига олиб келгани кузатилади. Улардаги мазкур хусусиятлар ноқонуний хатти-ҳаракатларга бировларнинг

кўзи билан қараш ва баҳолаш қобилиятини сусайтиради. Шунинг учун тез-тез жиноятчилик мазмунига эга ҳаракатларнинг таъсирига тушиб қолади.

Импульсивлик ҳолати асосида юзага келган хулқ оғишида инсон ўз хатти-ҳаракати мотивларини англаб етмайди ва тўғри баҳолай билмайди. Бундай импульсив-аффектив ҳолатлар ўсмирнинг ўз фаолиятини онгли бошқариш ва назорат қилиш қобилияти издан чиқишига олиб келади.

Кузатишлардан маълум бўлишича, оиладаги носоғлом муҳит, ота-онанинг тез-тез жанжаллашиб туриши, ўзаро оилавий низолар ва ота-она хулқидаги салбий иллатлар ҳам болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсир кўрсатаркан.

Маълумки, оиладаги низолар болалар ва ўсмирларни оиладан бездиради. Ота-онага ва оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан ишонч ҳисси йўқолишига олиб келади. Ўзаро ишончнинг йўқолиши эса ота-онанинг тарбиявий таъсирчанлик даражасини тушириб юборади. Бу, ўз навбатида, ўсмирнинг ўзи хоҳлаган хатти-ҳаракатларни амалга оширишига йўл очиб беради. Оқибатда тарбиявий таъсирсиз, назоратсиз қолган ўсмирда аста-секинлик билан хулқ-атвор ўзгариши келиб чиқади.

Оилавий муносабатлардаги носоғломлик болалар ва ўсмирларнинг шахс сифатида шаклланишига ҳам салбий таъсир кўрсатади ва улар хулқ-атворида салбий ўзгаришларни келтириб чиқаради. Демак, айтиш мумкинки, тарбияси оғир ўсмирларнинг шаклланишида оиладаги носоғлом муҳит асосий омил экан.

Оилада тез-тез юз берадиган жанжаллар, ота-онанинг келишмовчиликлари, ўсмирларнинг жисмоний жазоланиши табиий равишда улар хулқида ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бундай муҳитда тарбияланган болалар ва ўсмирлар хулқида кўзгалувчанлик, асабийлик, ўзини тута олмаслик, баджаҳллик, борига қаноатланмаслик, душманлик, кўркүв, ишончнинг йўқолиши, ёлғизликка мойиллик, беғамлик каби хусусиятлар кўзга ташланади. Мазкур сифатларнинг ҳар бири бола психик ва шахс хусусиятлари ҳамда иродавий сифатларининг шаклланишига ва ақлий тараққиётига салбий таъсир кўрсатади.

Кўпгина тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига улардаги асабийлик, ақлий тараққиёт даражасига кўра сустривожланганлик ва шахснинг бошқа психологик хусусиятлари сабаб бўлади.

Тадқиқотимиз натижаларидан маълум бўлишича, болалар ва ўсмирларнинг зарарли одатларга берилиши, хусусан, спиртли ичимликка ружу қўйиши, гиёҳвандлик ва тамаки маҳсулотларини чекиши ҳам уларда хулқ оғишининг келиб чиқишига тўртки беради.

Алкоголь ва гиёҳванд моддалар инсон бош миясига кучли таъсир кўрсатиб, бутун орган ва нерв системаси фаолиятини ва шахснинг ўз-ўзини англаш даража-

сини сусайтиради. Сархушлик ҳолати кишида андишасизлик, одобсизлик, қўполлик ва енгил-елпи фикр юритувчанликни келтириб чиқаради, тафаккур, диққат, хотира жараёнини сусайтириб, инстинктив хулқ-атвор сифатларининг ёрқин ифода-даланишига олиб келади. Натижада инсон сархушликда ўз хатти-ҳаракатларини идора қилолмайди, муаммоли вазиятларда, тафаккур хусусиятларининг сусайганлиги туфайли, тўғри қарор қабул қилишга қийналади, оқибатда ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этади.

Кузатишларимизга қараганда, ота-онадан бирининг спиртли ичимликка ружу қўйиши ҳам оилада тарбияланаётган болаларга салбий таъсир этиб, уларнинг алкоғолизм кўчасига кириб кетишига сабаб бўлади. Шу боисдан ота-онадан бирининг жамият ва ахлоқ нормаларига зид хулққа эга бўлиши болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишига хизмат қилгани кузатилади.

Оилада ота-онанин алкоғолизмга берилиши, бола кўз ўнгида ичиш, чекиш ва ноғўя қилиқларни қилиши болага ўрнак вазифасини ўтайди. «Қуш уясида кўрганини қилади» деганларидек, ўсмир ота-онасига тақлид эта бошлайди. Аввалига чекишни, ичишни ўрганиб олади, сўнгра кучлироқ моддаларга ўтади. Қарабсизки, оиласи ва ота-онасида кузатилган ҳолатлар болада ҳам такрорланади.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, болалар ва ўсмирлар ўртасида ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ва ўз жонига қасд қилиш ҳодисасининг катта қисми айнан ота-онанин қаттиққўллиги ва адолатсиз муносабати туфайли содир этилади. Шу боисдан оилада болалар билан тўғри муносабатда бўлиш, шахслараро муносабатда уларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ота-онанин болаларга муносабати икки асосий хусусият, яъни ота-оналик меҳри ва ижтимоий бурч нуқтаи назаридан белгиланади. Инсонпарвар жамиятда мазкур хусусиятлар бир-бирига зид келмайди. Чунки кишини севиш унга бахт тилашдир, бахтиёрлик эса жамиятга кўпроқ фойда келтириш дегани. Аммо ҳар қандай ҳиссиёт сингари ота-оналик меҳри турли даражада. Бунда кишининг ахлоқий эътиқоди қанчалик юксак бўлса, унинг ота-оналик муҳаббати шунчалик узоқни кўрадиган ва талабчан бўлади. Бурч ҳисси эса болаларда ахлоқий баркамолликнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатларда ростғўйлик, адолат бўлмаса, оила тарбияси таъсирчан ва мақсадга мувофиқ тарзда кечмайди. Шунинг учун ота-она ва болалар ўртасидаги муносабат ҳар доим ота-оналик муҳаббати ва ижтимоий бурч нуқтаи назари асосида амалга оширилса, ота-оналик муҳаббати кучайиб, болаларни юксак ахлоқ, ижтимоий бурч руҳида тарбиялаш имконияти кенгайди.

Ўспиринлик даврида бола билан тўғри ва адолатли муносабат ўрнатиш му-

ҳим аҳамият касб этади. Чунки бола улғайган сари катталар буйруғини ёқтирмайдиган бўлиб боради. Натижада унда буйруққа қаршилиқ кўрсатиш, ҳатто оқилона талабларни бажаришдан бош тортиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Бундай вазиятда ота-онанинг болага муомала тарзини ўзгартириши мақсадга мувофиқдир.

Кузатишлардан маълум бўлишича, болага ота-она ва оиланинг бошқа аъзолари томонидан ҳадеб васийлик кўрсатавериш ҳам яхши самара бермайди. Ота-она ёки оиланинг катта аъзолари бундай муносабатнинг ўрнига болалар билан ҳамфикр, дўст каби муносабатда бўлсалар, болаларда ўз-ўзини баҳолаш, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашиш ҳисси шаклланади.

Оилада болаларга тарбиявий таъсир этиш сифатини ошириш учун ота-она ва оиланинг катта аъзолари томонидан болага қўйиладиган талаблар ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишда сўз билан иш бирлиги бўлиши яхши натижа беради. Оилада бундай бирликнинг йўқлиги бола хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатади. Таъкидлаш лозимки, болалар ва ўсмирлар билан муносабатда уларнинг кўнглига, ёш хусусиятларига, психологиясига эътибор бермаслик, оилаларда бир-бирини ҳақоратлаш, дўқ-пўписа ва зулм ўтказиш асосида қилинадиган муносабат болаларда кўрқоқлик, асабийлик, ёлғончилик, шафқатсизлик, қўполлик, андишасизлик каби сифатлар шаклланишига олиб келади. Бундай сифатлар болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишига имконият яратади.

Болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишида моддий етишмовчилик кўпинча сабаб сифатида эмас, балки хулқ оғишининг келиб чиқиши учун қизиқиш ва шарт-шароит тарзида хизмат қилганлиги кузатилади. Демак, айтиш мумкинки, болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишида иқтисодий етишмовчилик омили асосий сабаб сифатида намоён бўлмайди. У фақатгина муайян шарт-шароит сифатида хизмат қилади, холос.

Айрим оилаларда болалар ва ўсмирларга етарлича шарт-шароит яратиб берилмаслиги ҳамда фаолиятини чеклаш уларда инфантиллик, муаммоли вазиятлардан чиқиб кетиш қобилиятининг сусайиши кабиларга олиб келади.

Бугунги ўсмирларнинг истак-эҳтиёжлари олдингиларга қараганда анча ўсган. Улар яхши кийинишни, дам олишни, турли жойларни кўришни, видеотехникаларга, уяли телефонга эга бўлишни хоҳлайди. Оилада эса буларга эга бўлишга имконият мавжуд эмас. Натижада ушбу эҳтиёжларни қондириш йўлида болада ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни бажариш истаги туғилади. Бундай истаклар уни ўз-ўзидан ғайриқонуний ҳаракатларни бажаришга ундайди.

Маънавий олами тор, дунёқараши ва ақлий тараққиёти паст ўсмир бундай пайтда ўз эҳтиёжларини қондиришнинг ғайриқонуний томонларини излайди ва ўғрилиқ, йўлтўсарлик, босқинчилик жиноятларига қўл ўради. Кўпинча мазкур ҳолат-

ларда болалар ва ўсмирлар қонуний йўл билан пул топишни, меҳнат қилиб бойликка эришишни ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Натижада уларда ғайриқонуний хулқ-атворнинг келиб чиқишига замин яратилади.

Болалар ва ўсмирлар шахсида салбий иллатларнинг мавжудлиги, уларнинг маънавий дунёси торлиги, китоб, газета, журналлар ўқимаслиги, шунингдек, шахснинг маънавий онгини оширадиган машғулотлар билан шуғулланмаслиги хулқ оғишининг келиб чиқишига ўз таъсирини ўтказади.

Тарбия бузилишини келтириб чиқарувчи омиллар

Ижтимоий омиллар	Оилавий омиллар	Шахсий омиллар	Физиологик омиллар
Эркинлик ҳамда ижтимоий тартиб-қоидалардан қочиш. Қулай шароит қидириш, ҳиссий хотиржамлик. Ўз (мен)ига наст назар билан қараш, бошқаларга тобелик. Моддий кам таъминланганлики ҳис қилиш, ота-она хулқ-атворидан уялиш. Ижтимоий тартиб-қоидаларни бузиш. Хуқуқбузарлик, безорилик. Майда уерилик. Фоҳишалик. Гийҳванд моддаларни истеъмол қилиш.	Ота-она, ўқитувчи, катталар ва болалар ўртасидаги мулоқотдаги муаммолар. Болаларга катталар томонидан диққат-эътиборнинг етишмаслиги. Ота-она билан фарзандлар ўртасида ўзаро тушунишнинг йўқлиги ва икки томонлама интилишнинг етишмаслиги. Ота-онанинг ўял ва қиз болаларга нисбатан кўпол муомалада бўлиши. Кўр-кўрона оталик ва оналик меҳр-мухаббатининг ҳукм сўриши. Оила даърасида муҳтида доимий жанжалларнинг қарор топганлиги ва уларни бартараф этишга интилиш йўқлиги.	Уртоқлари, синфдошлари, бошқа тенгдошлари билан ўзаро алоқа. Ўз-ўзини тушунмаслик ва ўзига салбий муносабат. Ҳаётий йўналишлардаги орзу-ҳаваслар. Ички руҳий ёлғизлик, ўзгеларнинг болаларни тушунмаслиги. Бахтсизликдан қийналиш, шахсий қийинчиликлар. Шахсий муваффақиятсизлик, муаммолардан хавотирга тушиш, иродасизлик. Ташкилотчи эмаслиги. Ўқишдаги қийинчилик, оғир вазиятларга учраш. Ҳиссий хавфсизлик «ҳимоя қилувчи»ни	Агрессивлик, жаҳлдорлик, асабийлашиш ва руҳий зўриқиш. Боланинг кўп касал бўлиши. Қўзғалувчанликнинг кучайиши. Ўзини ўзи бошқараолмаслик. Ўзлаштиришда ақлан қолиб кетиш. Ўқувчининг ақлан заифлашиши. Психофизиологик ва жинсий томондан бир хилда ривожланмаганлик. Туама хусусиятлар. Туама нуқсонлар. Орттирилган

<p>Камтаъминланганлик, ота-онанинг ишсизлиги. Бола ҳаётида ижтимоий-иқтисодий томондан қийин вазиятларга тушиши. Жамият тузилмаси. Ижтимоий институтлар. Турмуш тарзи. Ижтимоий меъёрлар.</p>	<p>Ота-онанинг беқарор ҳис-туйғулари, кўйфиятлари, уларнинг тартибсиз, тасодифий характерга эга бўлиши. Фарзанд ва ота-она шахсий қизиқишларининг ўзаро мос тушмаслиги ва тубдан қарама-қаршилиги. Фарзандлар назариде, ота-онанинг салбий хулқ-атвори, уларнинг ичиши ёки чекиши, гилёҳвандлиги ва интим қилиқлари. Ота-онанинг мунтазам равишда ўзаро жанжаллари. Нотўлиқ оилалар. Болалар қобилиятининг катталар томонидан салбий баҳоланиши. Ота-онанинг маънан қашшоқлиги.</p>	<p>қидириш. Спиртли ичимлик ичиш ва жамоат жойида чекиш. Токсикомания. Мактаб қоидаларини бузиш, дарс қолдириш, уйга берилган вазифани бажармаслик. Мустақил бўлишга интилиш. Ўзгаларга тобе бўлмаслик. Ўзига ишончинг ётарли эмаслиги. Иродавий-ҳиссий жиҳатдан заифлиги. Ёлғизлик, ўзгаларни тушунмаслиги. Ижтимоий хулқ-атвор кўнжмаси камлиги. Буш вақтнинг тўри ташкил қилинмаганлиги. Ўзига эътиборни хоҳлаши.</p>	<p>нуқсонлар.</p>
---	---	--	-------------------

ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДАГИ ТАРБИЯ УСУЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ота-онанинг оилада фарзандлари билан қилаётган муомала ва муносабатлари болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг ёки тарбия бузилишининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Кузатишларимиз ва илмий манбалардан маълум бўлишича, оилада «қаҳр-ғазаб» асосидаги ота-она муносабати болаларни уйдан бездиради. Уйдан бешиш, оила муҳитини тан олмаслик ўсмирларда силавий муҳитга нисбатан деформациялашувни келтириб чиқаради. Натижада ўсмир кўча муҳитини ўзига маъқул кўради. Кўча муҳити эса баъзан криминал мазмунга эга бўлиши мумкин. Оқибатда ноахлоқий ва ғайриқонуний хулқ-атвор муҳитига тушиб қолган ўсмирда хулқ оғишининг келиб чиқиши учун имконият яратилади.

Ота-онанинг «қаҳр-ғазаб» асосидаги муносабати болалар ва ўсмирларда салбий характернинг, хусусан, қўрқоқлик, тобелик, асабийлик, ҳиссиётга берилувчанлик ва мустақил тафаккурнинг сустлиги кабиларнинг шаклланишига олиб келади. Қўрқоқ, тобе болалар ва ўсмирлар бировларнинг қистови, зўрлаши натижа-сида турли хил ғайриқонуний гуруҳларга қўшилиб кетади. Улардаги асабийлик, кўзгалувчанлик ва ҳиссиётга берилувчанлик тез-тез низоли вазиятларга дуч келишига сабаб бўлади. Шунингдек, мустақил фикрлаш лаёқатининг сустлиги низоли вазиятларнинг чигаллашувига, муаммоли вазиятлардан чиқиб кетиш йўллари нотўғри қўллашга олиб келади. Бундай вазиятларда ўсмир ўзининг ёш даври хусусияти ва ҳаётий тажрибасизлиги туфайли ғайриқонуний ҳаракатларга қўл ўриши мумкин.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра, ота-она оилада фарзандлари билан турлича муомала ва муносабатда бўлиши ойдинлашди. Буни жинойтчилик хулқига эга болалар ва ўсмирларнинг ўз ота-онаси хулқ-атвори тўғрисида берган маълумотлари ҳам кўрсатиб турибди. Яъни жинойтчилик хулқига эга болалар ва ўсмирлар тарбия кўрган оилаларда ота-она кўпинча фарзандларига «эркинлик бериш» асо-сида муносабатда бўлишган.

Назаримизда, оилада болаларга ҳаддан ортик эркинлик бериш уларнинг ўз билганича иш тутишига, қилаётган ишининг тўғри ёки нотўғрилигини англаб ет-масликка олиб келади. Ота-она назоратидан, тергашидан четда қолган ўсмир ўзини эркин билиб кўнгли тусаган ишга қўл уради. Бундай хатти-ҳаракатлар баъ-зан ноқонуний бўлиши ҳам мумкин.

Ота-онанинг фарзандлари ҳаёти ва фаолияти билан қизиқмаслиги, уларни назоратсиз қолдириши кўпинча ўсмирнинг ғайриқонуний хулқ-атворга эга бола-

лар ва ўсмирлар сафига қўшилиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ота-она фарзандларининг, айниқса, ўсмирлик давридаги фаолиятини, бўш вақтида нима-лар билан шуғулланаётганини домий назорат қилиб бориши мақсадга мувофиқ. Қолаверса, ўсмирлик ёши давридаги психофизиологик ўзгаришлар ва ўтиш даври хусусиятлари ёш ота-она ва катта ёшдаги кишиларнинг алоҳида эътиборини талаб этади. Оилада ота-онанинг бу ёшдаги ўсмирларга нисбатан эътиборсизлиги, тарбия шундай берилиши керак деб қараши болаларда хулқ оғишини келтириб чиқаради.

Шунингдек, оиладаги ҳаддан ортиқ қаттиққўллик ҳам болалар ва ўсмирларда хулқ оғиши юзага келишига сабаб бўлади.

Юқоридагилардан хулоса чиқариш мумкинки, бунда болалар ва ўсмирларнинг ёш ва ўтиш даври хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўллаш улар хулқида ижобий фазилатларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди.

Микромуҳит ҳисобланган оила ҳам болалар ва ўсмирларда жиноятчилик хулқининг келиб чиқишига катта таъсир кўрсатади. Шу боисдан биз оила муҳитининг ўрни масаласига кенгроқ тўхталиб ўтамыз.

Маълумки, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти фуқароларнинг билимдонлигига, ақл-заковати, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан юксаклигига боғлиқдир.

Инсондаги ушбу хислатлар оилада, оила муҳитида шаклланади. Шу боис оиланинг муҳим вазифаларидан бири фарзандларни ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялаш ҳисобланади. Хўш, бугунги ўзбек оиласида ана шу муҳим вазифа қандай уदдаланяпти? Куйида мазкур масалалар тўғрисида батафсил тўхталамиз.

Оиланинг вазифаси қайсидир маънода ижтимоий эҳтиёжлар характери билан ўхшаш. Шу сабабдан бўлса керак, оила шахснинг ижтимоийлашуви, унинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, демографик жараёнлар билан алоқасини таъминловчи восита вазифасини ҳам бажаради.

Оиланинг тарбиявий функцияга эгалиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Оила ҳақиқатан ҳам ёшларда ижтимоий ва миллий қадриятларни, ахлоқий фазилатларни, ҳаётий мезон ва нормаларни, одоб ва назокатни шакллантирувчи муҳим маскандир.

Оила ижтимоий институт сифатида ҳозирги пайтда бир қатор ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. У бугун жуда кўплаб таъсирлар қўршовида қолган. Хусусан, иқтисодий инқироз, ижтимоий, маданий, маънавий хуружлар, оилавий ажримларнинг кўпайиши ва бошқалар оилавий тарбия таъсирчанлигининг пасайишига олиб келмоқда. Булар, ўз навбатида, оилавий муҳитнинг бузилишига, фарзандлар тарбиясидаги нуқсонларнинг келиб чиқишига замин яратмоқда. Оқибатда оилавий

муҳитга, оилавий тарбияга боғлиқ болалар ва ўсмирлар жиноятчилиги кўрсаткичи ортиб бормоқда.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, болалар ва ўсмирлар ўртасида содир этилаётган жиноятларнинг 60% дан ортиғи бевосита ёки билвосита оилавий муҳитнинг носогломлигига боғлиқ.

Оилаларда носоглом психологик муҳитнинг мавжудлиги оилавий муносабатлар нохушлиги, ажримлар, ота-онадан бирининг йўқлиги, тарбияда йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳамда оиланинг тарбиявий таъсирга эга эмаслиги болалар ва ўсмирларда жиноятчиликнинг келиб чиқишига таъсир кўрсатади.


Оилавий тарбия бола ҳаётида муҳим ўрин тутати. Оиланинг болаларга тарбиявий таъсир доираси ижтимоий таъсир доираси синғари ўта кенгдир. Оила болаларни Ватанга муҳаббат, ота-она ва аτροφдагиларга садоқат, меҳнат ва халқ бойликларига ингли муносабат, нуқсонларга муросасизлик, юксак ахлоқий ва маънавий сифатларни шакллантиришда, турмушга, ижтимоий фаолиятга нисбатан психологик ва амалий жиҳатдан тайёрлашда катта имкониятларга эга. Бироқ кейинги йилларда оилада фарзандларни тарбиялашда, уларни камол топтиришда бир қатор муаммолар, нуқсонларга дуч келинмоқда. Табиийки, ушбу муаммолар болалар ва ўсмирлар хулқ-атвориغا, шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатаяпти.

Тадқиқотимиз натижаларининг кўрсатишича, болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг келиб чиқишида оилада фарзандлар тарбиясига эътиборнинг сусайиши ва улар фаолиятини назорат қилмаслик асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлади.

Кейинги йилларда юртимизда кечаётган ислоҳотлар, бозор муносабатларига ўтиш, кишиларда кундалик турмуш ташвишларига барҳам бериш, қийинчиликларни енгиб ўтиш ва келажакка нисбатан янгича қараш лаёқатининг етишмаслиги ва бошқа ҳолатлар фарзандлар тарбиясига эътиборнинг биров сусайишига сабаб бўлмоқда, ота-она фарзандлари билан кам мулоқотда бўлишига тўғри келмоқда. Шу боисдан оиладан ташқарида фарзандлар камолоти, тарбияси билан машғул бўладиган турли хил машғулотларга (спорт, касб-ҳунар), тўғаракларга эҳтиёжнинг ортиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган тадбирлар мақтовга сазовордир. Жойларда фойдаланишга топширилаётган спорт иншоотлари, замонавий талабларга жавоб берадиган таълим масканлари, ёшларимизнинг бўш вақтларида шуғулланиши учун турли хил тўғаракларнинг очилиши диққатга лойиқ. Аммо соҳада ҳали қилинадиган ишлар ҳам бисёр.

Оилада етарлича тарбия кўрмаган болалар турмуш қийинчиликларидан



қоқилади. Турли хил низоли вазиятларга дуч келади. Тарбиясизлик ўсмирни яхши ўртоқларидан, давралардан айиради. Оқибатда ўсмир учун бирдан-бир йўл носоғлом хулқли ўсмирлар даврасига қўшилиб кетиш бўлиб қолади. Қарабсизки, ўсмирда жиноятчилик хулқининг келиб чиқиши учун шарт-шароит яратилади.

Болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлувчи оилавий тарбияга боғлиқ омиллардан яна бири оилавий тарбияда примитив (эскирган, номаъқул) усуллардан фойдаланиш ҳисобланади. Бундай тарбия усулида тарбия ўта қаттиққўллик, авторитар, болаларнинг фикр ва қарашларини инobatга олмаслик асосида олиб борилади. Мазкур усулда болаларни тарбиялашнинг нотўғрилигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Чунки бугунги болалар мустақил фикрлашга интилувчан, ўз қарашларига эга, ақлан етук ёшлардир. Бундай ёшлар билан ҳисоблашиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиш, керакли жойларда маслаҳат бериш яхши натижалар беришини унутмаслигимиз керак.

Оилавий тарбияда қўлоқлик, андишасизлик, ҳақорат, дўқ-пўписа ва жисмоний жазолаш сингари усуллардан фойдаланиш кўпинча болалар ва ўсмирларнинг уйдан қочишига, бирон иш қилиб қўйиб ота-онасидан кўрқанидан қўчаларда дайдиб юришига, қаерлардадир тунаб қолишига олиб келади. Бундай болалар оила муҳитига нисбатан ижтимоий-психологик дезадаптациялашиш жараёнига дуч келади. Оқибатда ўзига маъқул бўлган оиладан ташқари гуруҳ ёки кўча муҳитини танлайди. Бу муҳит ўзининг характериға кўра болага салбий ёки ижобий таъсир қилиши мумкин. Афсуски, носоғлом психологияга эга кўча муҳити болаларға кўп ҳолатларда салбий таъсир кўрсатади.

Оилавий тарбияда болалар ва ўсмирларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини инobatга олмаслик ҳолати кўпинча тескари натижа беради.

Маълумки, балоғат ёши ҳисобланган (12 – 14 ёш) ўсмирлик даврида кескин психофизиологик ўзгаришлар юз беради. Ушбу ўзгаришлар кўпинча ўсмир руҳиятиға ҳам таъсир ўтказади. Бу ўсмирда тажанглик, серзардалик, инжиқлик, таъсирчанликнинг келиб чиқишиға олиб келади. Ўсмир руҳий дунёсида пайдо бўлган бундай ўзгаришлар, балоғат даври ўтиши билан, бир меъёрга келиб қолади. Шунинг учун балоғат ёши даврида ота-она ўсмирлар тарбиясиға алоҳида эътибор бериши, уларда кечаётган психофизиологик ўзгаришларни ҳисобға олиши мақсадға мувофиқдир. Кўпинча оилавий тарбияда болаларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятлари инobatга олинмаслиги уларнинг нотўғри, ёмон йўлларға кириб кетишиға сабаб бўлади. Шу боисдан ота-она оилавий тарбияда, фарзандлари билан муносабатларда, улар билан муомалада ёш даври хусусиятларини ҳисобға олган ҳолда иш тутса, оилавий тарбиянинг самарасини оширган бўлур эди.

Болалар ва ўсмирларда жиноятчиликнинг келиб чиқишиға таъсир этувчи оила-

вий тарбияга боғлиқ омиллар орасида ота-онада фарзандлар тарбиясига доир билимларнинг етарли эмаслиги ҳам яққол кўзга ташланади.

Ота-онада болалар тарбияси тўғрисидаги назарий ва амалий билим маълумотларнинг етишмаслиги оилавий тарбияда нуқсонларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ота-онада болаларнинг ёш ва индивидуал психологик хусусиятлари, болаларни миллий руҳда тарбиялаш тўғрисидаги билимларнинг етишмаслиги, миллий қадриятлардан фойдаланиш борасидаги камчиликлар болалар тарбиясида жиддий нуқсонлар келиб чиқишига олиб келади.

Ота-она кўпинча, фарзандлари бирон-бир ёмон иш қилиб қўйса, уни қаттиқ жазолаш, бирор ҳаракатни тақиқлаш ва уларни уйдан чиқармай қўйиш усуллари орқали тарбияламоқчи бўлади. Фарзанди ўзига ёқадиган ишга қўл урса, уни ҳаддан ортиқ мақтайди ва мукофотлайди. Ўзи қўллаётган усуллардан қай бири тўғри, қайсиниси нотўғрилигини англаб етмайди. Ўзича тарбия шундай берилади деб ўйлайди. Натижада ўзи сезмаган ҳолда болаларининг тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ота-она, энг аввало, оилада болаларни тарбиялаш тўғрисидаги назарий ва амалий билимларга эга бўлиши шарт. Бунинг учун тарбия тўғрисидаги педагогик ва психологик китобларни, газета ва ойномаларни кўпроқ ўқиши зарур.

Кўринадики, ота-онада тарбия борасидаги билимларнинг етишмаслиги, тарбия жараёнида миллий қадриятлар, урф-одатлар ва расм-русумларимиздан фойдаланмаслик болалар тарбияси бузилишига, уларда турли хил хулқ оғишларининг келиб чиқишига олиб келаркан.

Оилада болалар тарбиясида қарияларнинг иштирок этмаслиги ҳам болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Ахир халқимизда «қариси бор уйнинг – париси бор» деб бежиз айтилмаган. Қарияларнинг доимий уйда бўлиши болалар билан мунтазам мулоқот ўрнатишига, улар фаолиятини узлуксиз назорат қилиб туришига олиб келса, иккинчидан, улардаги ҳаётий тажрибанинг қўллиги болалар тарбиясида жуда қўл келади.

Ёшларимизда ўзбек халқига хос меҳр-шафқат, бағрикенглик (толерантлик), ночорлар, дардманлар ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам бериш хислатлари негадир бугунги кунда йўқолиб борапти. Аксинча, хасислик, боқибегамлик, поқайдлик, бетгачопарлик, манфаатларастлик, тамағирлик, кўзбўямачилик каби иллатлар урчимокда.

Кузатишларимизга қараганда, оилаларда ота-она ҳамда фарзанд ўртасидаги муносабатларда ҳам ўзига хос самарасиз усуллардан фойдаланилмоқда. Жумладан, ота-она баъзан фарзандларига ўта меҳр қўяди, уларни асраб-авайлайди,

эъзозлайди, гард юқтирмасликка ҳаракат қилади. Истаган нарсасини муҳайё қилишга интилади. Бир қарашда бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқдек. Аммо ота-онанинг болаларга ўша муносабати уларда салбий жиҳатларнинг шаклланишига олиб келмоқда. Ота-онаси томонидан кўрсатилаётган бундай муносабат натижасида болада манманлик, бировларни мэнсимаслик, тайёрга айёрлик, меҳнатнинг қадрига етмаслик, сабр-тоқатсизлик каби ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Мазкур хусусиятларга эга болаларда ўзбек халқиға хос меҳнатсеварлик, олижаноблик, ўзгаларни ҳурмат ва эъзозлаш, меҳнатнинг қадрига етиш хислатлари шаклланмайди. Шунингдек, уларда мақтанчоқлик, бировларнинг устидан кулиш, ночорлигини юзига солиш одатлари ҳам кузатилади. Бундай руҳда тарбияланган болалар муаммоли вазиятларда мустақил фикр юритиш, муайян қарорларга келиш борасида ҳам қийинчиликларга учрайди. Ўз тенгқурлари билан келиша олмаслиги, дўстлари доирасининг торлиги туфайли, кўпинча тенгдошларидан яққаланиб қолиши билан ажралиб туради.

Ҳозирги кунда ўзбек оиласида мавжуд бўлган тарбиядаги нуқсонлардан яна бири ота-онанинг рад этиш, тақиқлаш, рухсат бермаслик асосидаги тарбиялаш усулидир. Бу хилдаги тарбияда болаларнинг хоҳиш-истаги, ўй-хаёллари, орзу-интилишлари, фикр-мулоҳазалари инобатга олинмайди. Қолаверса, болаларга ўз фикр-мулоҳазаларини очиқча баён этиш, мустақил қарорларга келиш ва муайян вазиятларга ўз нуқтаи назарини билдириш имконияти чекланади. Баъзан болаларнинг хатти-ҳаракатлари мажбурий тарзда тақиқлаш усуллари билан бошқариб борилади. Уйда у нарсага тегиш мумкин, бу нарсага тегиш мумкин эмас, у кийимни хиясан, бунисини киймайсан қабилдаги муносабат ўрнатилади. Боланинг қизиқиши, эркинлиги, ўзига ёққан кийимни кийиши, кўнгли тусаган иш билан машғул бўлиши, қизиққан китобини ўқиши, хоҳлаган спорт тури билан шуғулланиши тақиқ остида бўлади. Ота ёки онанинг айтгани айтган, дегани деган қоидага амал қилинади. Бундай усулда тарбияланган болаларда мустақил фикр юритиш қобилиятининг сустривожланиши, тортинчоқлик, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этолмаслик, тобелик, кўрқоқлик, журъатсизлик каби салбий иллатлар ёрқин намоён бўлади. Журъатсиз, тобе, тортинчоқ болада фаоллик ва ўз-ўзига ишонч хисси етишмайди. Шунингдек, уларда нутқнинг сустривожланиши ҳам кузатилади. Бундай болалар бутун умр бировларга тобе бўлиб яшайди. Уларда раҳбарлик, бошқарувчилик қобилияти сустривожланади. Улар бировларнинг гап-сўзларига тез учади. Шунинг учун алдовлар, кўзбўямачиликлар, тамагириклар қурбонига айланишади. Фикрлаш қобилиятининг сустривожланганлиги низоли вазиятларга тез-тез тушиб қолишга олиб келади. Бундайлар низоли вазиятларда тўғри қарорлар қабул қилишга қийналади. Бировларнинг таъсири, қистови ёки мажбурлаши натижасида турли хил қонунбузарликларни амалга ошириши ҳам ҳеч гапмас.

Ўзбек oilаларида берилаётган тарбия нуқсонларидан яна бири oilавий тарбияда миллий қадриятларимиздан, яъни эртак, мақол, ривоят ва ҳадис илмидан етарлича фойдаланилмаётганидир.

Маълум бўлишича, тадқиқотимизда иштирок этган ота-оналарнинг атиги чорак қисми фарзандларига ёшлигида эртак, ривоят ва мақоллар айтиб берган, холос. Ахир қадриятларимиз, халқ оғзаки ижоди дурдоналари, ривоятлар ва ҳадис илми болаларда яхшилик, олижаноблик, хушхулқилик хислатлари шаклланишига хизмат қилиши ҳаммага аён-ку. Шунга қарамай, нега бугун фарзандлар тарбиясида бу масалага эътиборсизлик қиламиз? Сизу бизнинг ана шу эътиборсизлигимиз, эрта катта бўлганда тарбияланиб қолар деган фикрга боришимиз болаларимизнинг баркамол, хушхулқли инсонлар бўлиб етишишига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Фарзандларни тарбиялашдаги камчиликлардан яна бири болаларнинг тарбиясига ёшлигидан эътибор бермасликдир. Ахир халқимизда «тўққизида бўлмаган тўқсонида ҳам бўлмайди» деган ажойиб нақл бор-ку. Болага қанчалик эрта ўргатсанг, тарбия берсанг, шунчалик тез мослашади, ўрганади. Афсуски, кўпгина ота-оналар ёшлигида фарзандимнинг қорни тўқ, усти бут бўлса бўлди деб ўйлашади. Ёши 16 – 17 га бориб, мактабни битираётганда, фарзанди ҳақида ўйлаб қолишади. Бу даврга келиб фарзанд тарбияси, унинг эртанги куни ҳақида ўйлаш кеч бўлганини кўпчилик англаб етмайди. Натижада тарбияда қўлдан бой берилган фурсат азобини ўзимиз тортамыз. Бу ҳам етмагандек, боланинг келажаги, эртанги куни, фаровон ва бахтли ҳаётини барбод қиламыз. Бундай ҳолатларда айбни кўпинча болалардан излаймиз. Ўз айбимизни тан олгимиз келмайди.

Oilада ота-онанинг тарбияда йўл қўяётган камчиликларидан яна бири болаларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олмасликдир.

Кўпчилигимиз силадаги барча фарзандларга бир хил тарбия беришга ўрганиб қолганмыз. Биламизки, болалар табиатан ҳар хил, турли хил характерли, қобилиятли ёки қобилиятсиз, оғир, вазмин ёки ҳаракатчан бўлишади. Айнан ушбу жиҳатларга кўра болаларга ёндашиш, улар билан муносабатда бўлиш ва тарбия бериш усулини танлаш мақсадга мувофиқлигини унутмаслигимиз даркор.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТАРБИЯСИ БУЗИЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР ВА УЛАРНИНГ АЙРИМ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Маълумки, болалар ва ўсмирлар ўртасида хулқ оғишининг олдини олиш тадбирлари, энг аввало, уни келтириб чиқарадиган шарт-шароит ва сабабларни бартараф қилишни тақозо этади.

Масаланинг долзарблигидан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда бутун дунё миқёсида, шу жумладан, республикамизда вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғишининг олдини олиш борасида бир қатор илмий ва амалий жиҳатдан асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Юртимизда бу йўналишда олиб борилаётган амалий ишлардан бири сифатида Тошкент шаҳри, вилоятлар ва туманларда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларининг тузилиши ва уларнинг фаолиятини белгилаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжат, ушбу ҳужжатда «вояга етмаганлар ўртасида қонунбузарликларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш»га қаратилган профилактик чора-тадбирларнинг болалар ҳамда ўсмирлар ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиб, ҳар томонлама илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиши, уларнинг таъсирчанлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилишини кўрсатиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, ўсиб келаётган ёш авлоднинг эртанги кунимиз, келажагимизнинг давомчиси эканини ҳисобга оладиган бўлсак, болалар ва ўсмирлар ўртасидаги турли хил ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб муаммо сифатида намоён бўлади.

Кузатишларимиздан кўринишича, вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишда, энг аввало, жиноятчилик хулқининг ижтимоий-психологик, индивидуал психологик, социологик, ҳудудий ва криминологик хусусиятларини ҳисобга олиш талаб этилади. Шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида юзага келаётган қонунбузарликларнинг олдини олиш ишлари умумий ва махсус – индивидуал тарзда олиб борилиши билан характерланади.

Умумий ижтимоий чора-тадбирларга жамиятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, сиёсий барқарорликни таъминлаш, халқнинг турмуш тарзи ва микромуҳит муносабатларини яхшилаш, фуқароларнинг маданий-маънавий, маърифий салоҳиятини ўстириш ва бошқалар киради.

Махсус – индивидуал характердаги тадбирлар сифатида эса болалар ва ўсмирларнинг шахс хусусиятлари, уларнинг психологияси, дунёқараши, қадриятлар ори-

ентацияси, ҳаётий позицияси, онглилик даражаси ва ижтимоийлашув хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тушунилади.

Профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғишининг келиб чиқишигача бўлган даврга, бу даврда олиб бориладиган умумий тарбиявий тадбирларга, уларни такомиллаштиришга, таъсирчанлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Шунинг учун вояга етмаганлар ўртасида юзага келаётган хулқ оғишининг олдини олишда ушбу оралик даври муҳим аҳамият касб этишини унутмаслигимиз керак.

Вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғишининг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар табиатини тушуниш учун, аввало, уларнинг бошланиш даврини, унинг объектини ҳамда хулқ оғишига эга болалар ва ўсмирлар шахсига таъсир кўрсатиш хусусиятини билиб олиш талаб этилади. Ушбу масалани ечиш учун табиий равишда шахснинг мотивацион соҳасига алоқадор маълумотлардан фойдаланишга тўғри келади.

Жиноятчилик хулқи мотивацияси қайсидир маънода шахснинг умумий йўналиши ва вазият ўртасидаги ўзаро алоқага боғлиқ. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жиноятчилик хулқи мотивацияси криминоген вазиятта нисбатан шахснинг ижобий йўналиши ва фазилатларининг сусайиши, фаол криминоген вазиятларга нисбатан шахснинг ижобий йўналиши ва фазилатлари беқарорлиги, криминоген вазиятлар билан шахснинг салбий хислатлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ҳамда шахснинг криминоген йўналиши каби жуда кўплаб бошқа омиллар асосида намоён бўлади.

Вояга етмаган жиноятчилар шахсининг умумий йўналиши таҳлили жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни нафақат жиноятчилик хулқи ва салбий иллатларга эга болалар ҳамда ўсмирлар ўртасида олиб бориш, балки соғлом хулқли болалар ва ўсмирлар ўртасида ҳам йўлга қўйиш зарурлигини кўрсатади.

Ушбу фикрдан англашиладики, ўсмир томонидан содир этилган жиноий ҳаракат унинг хулқига эмас, балки ситуацион вазиятларга кўра содир этилганда, ўсмир шахсининг ижобий сифатлари ва жиноятчиликка туртки берувчи омиллар тўғрисидаги маълумотларни бермайди. Шунингдек, бундай вазиятларда ўсмирда тарбиявий-профилактик тадбирлар олиб бориб ҳам жиноий ҳаракатнинг олдини олишга ёрдамлашиб бўлмайди. Шунинг учун ситуацион вазиятларга боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда ўсмир шахсининг хусусиятларини, унинг ижобий ёки салбий фазилатларини ҳамда характер хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш тутиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ўсмир шахсидаги эмоционал беқарорлик, кўзгалувчанлик хусусиятларига барҳам беришга эришиш, уларда ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олиш ва фикр-

лаш қобилиятини ривожлантириш ситуацион вазиятларга боғлиқ болалар ва ўсмирлар жиноятчилигининг олдини олишда муҳим ҳисобланади.

Вояга етмаганларда хулқ оғиши жараёни шахс хусусиятлари билан ташқи муҳит воқеа-ҳодисалари ўртасидаги мураккаб боғланишли жараён ҳисобланади. Бу жараёнда ўсмир шахси субъект сифатида ташқи муҳит ахборотларини қабул қилади ва қайта ишлайди. Объект сифатида эса ташқи муҳит элементлари шахсга таъсир этувчи элемент вазифасини ўтайди.

Ўсмир шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари шундай ўзига хос имкониятларга эгаки, у баъзан шахснинг соғлом муносабатлари ва соғлом турмуш тарзини белгиласа, баъзан носоғлом хулқ-атворнинг келиб чиқиши учун имконият яратади. Ушбу хусусиятлар ўсмирларда ғайриқонуний хулқ-атвор келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган психологик-педагогик жиҳатдан таъсирчан тадбирларни ишлаб чиқиш зарурурлигини кўрсатади.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш тадбирлари самардорлиги ва уларнинг таъсирчанлиги, энг аввало, ўсмир шахсидаги ижобий фазилатлар, ижтимоий фойдали эҳтиёж ва қизиқишларнинг шаклланишига боғлиқ. Шу маънода ўқув-тарбиявий тадбирлар ва машғулотлар вояга етмаганлар жиноятчилиги олдини олишнинг дастлабки профилактикаси сифатида хизмат қилиши керак.

Психологлар ва педагоглар томонидан дезадаптациялашган хулқнинг олдини олишга қаратилган бир қатор тавсиялар, маслаҳатлар ишлаб чиқилган. Тадқиқотчи Е.А.Горшкова тарбияси қийин ўсмирларнинг синф жамоаси билан бўладиган муносабатларини соғломлаштириш вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик хулқининг олдини олишда муҳим омил вазифасини ўтайди деб таъкидлайди ва қуйидаги психологик-педагогик тавсияларни ўртага ташлайди:

1. Тарбияси қийин ўсмирларнинг синф жамоасидаги ўрни ва унинг синфдошлари, атрофдагилар билан муносабатларини соғломлаштириш.

2. Тарбияси қийин ўсмирларнинг шахс хусусиятларини ҳар томонлама ўрғаниш ва тарбиявий тадбирларни амалга оширишда ижобий шахс сифатларини шакллантиришга эришиш.

3. Тарбияси қийин ўсмирлар синф ва мактаб жамоасидан изоляцияланишининг (ажралиб қолишлик) олдини олиш тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш.

4. Тарбияси қийин ўсмирларни қизиқиш, қобилиятларидан келиб чиқиб синфда ва синфдан ташқарида ўтказиладиган тадбирларга жалб қилиш.

5. Синф жамоаси аъзоларида соғлом психологик муносабат ҳиссини шакллантириш.

6. Синф ва мактаб жамоасида тарбияси қийин ўсмирларга нисбатан ижобий ва фаол муносабат руҳини юзага келтириш.

Булардан кўринадики, шахс хулқидаги оғишни тузатишга ҳаракат қилишда, энг аввало, ўсмир шахсига, унинг ижтимоий муҳитга нисбатан мослашишига ҳамда ўсмирнинг мотивацион эҳтиёжлар соҳасини ўзгартиришга, носоғлом турмуш тарзи ва тарбия муҳитини соғломлаштиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ўсмирлардаги мавжуд ижобий сифат ва хусусиятларга таянган ҳолда уларда ҳар томонлама қизиқишни, биринчи навбатда, ўқишга, меҳнатга, ижтимоий фойдали фаолиятга қизиқишни ривожлантириш зарур.

Хулқ оғишига эга болалар ва ўсмирлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий тадбирларнинг самарадорлиги уларда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида ўзаро яқинлик ва соғлом муносабатни ўрнатишга боғлиқдир. Шунинг учун ўқитувчининг тарбияси оғир ўсмирга нисбатан эътиборини, уни ўзига яқин олаётганини ва ёрдам бермоқчи бўлаётганини ўсмир ҳар доим ҳис қилиб туриши муҳим. Бу ўсмир хулқини соғломлаштиришга қўйилган илк қадам саналади.

Ўсмирдаги дезадаптацияланган хулқни тузатишнинг кейинги шарти ўсмир психикасидаги ўзгаришни ўз вақтида аниқлаш ва тиббий, психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

Ўсмирларда хулқ оғиши ва жиноятчилик хулқининг олдини олишга қаратилган ўқув-тарбиявий тадбирлар ўсмирнинг оилавий муҳити, тарбияланганлик даражаси ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Чунки оила муҳитини билиш ўсмир шахси ҳақида, унинг тарбияланганлик даражаси ва турмуш тарзи, ижобий ва салбий фазилатлари ҳақида маълумотларни беради.

Хулқ оғишига эга болаларга профилактик таъсир кўрсатишда ўсмирнинг шахс сифатида шаклланиш жараёнини, ўзига хос хусусиятларини, характер хислатлари ва психологиясини ҳисобга олган ҳолда иш тутиш яхши натижа беришини унутманг.

Болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг олдини олишнинг муҳим шартларидан яна бири тарбиявий жараёнда мактаб ва оила ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш ҳисобланади. Афсуски, бу масалани бугунги кунда талаб даражасида деёлмаймиз. Шунинг учун бундай пайтларда кўпинча оила ва мактаб ҳамкорлиги, ота-она ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро алоқанинг узилиши туфайли, болалар ва ўсмирлар тарбиясини, айниқса, улар хулқидаги ўзгаришларни тузатиш анча қийин кечади.

Ўқитувчи ўқувчи ўсиб вояга етаётган оила муҳитини, унинг ахлоқий қиёфасини ҳар доим ҳам билавермайди. Баъзан айрим ўқитувчилар болалар ва ўсмирлар билан олиб борадиган тарбиявий ишларни ота-она билан маслаҳатлашмай, улар ҳақида муайян маълумотларга эга бўлмай амалга оширадилар. Бундай ҳолатларда табиий равишда тарбиявий тадбирларнинг олиб борилиши кўзда тутилган

профилактик чораларнинг таъсирчанлик даражаси пасайишига сабаб бўлади. Оқибатда профилактикадан кўзланган мақсадга эришилмай қолинади.

Маълумки, оила муҳитининг соғломлиги, ота-она ва оиладаги бошқа аъзоларнинг маданий, ақлий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги оилада тарбия олаётган болага ижобий таъсир кўрсатади. Ота-онанинг илму маърифатлилиги болалар ва ўсмирларда ғайриқонуний хулқнинг олдини олишда муҳим омил ҳисобланади. Ушбу ҳолатни тадқиқотимиздан олинган натижалар ҳам кўрсатиб турибди. Бунга кўра, жиноятчилик хулқига эга болалар ва ўсмирлар ота-онасининг маълумотлилик ва ўқимишлилик даражаси хулқ оғишига эга бўлмаган болалар ва ўсмирлар ота-онасиникига қараганда анча паст даражани кўрсатади.

Ота-онанинг маърифатлилик даражаси, ақлий, маънавий ва ахлоқий баркамоллиги болалар ҳамда ўсмирлар ўртасидаги жиноятчилик хулқининг келиб чиқishiни олдини олишда муҳим ҳисобланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда қатор психологик-педагогик масалаларга эътибор қаратиш яхши натижа беради.

ИЖТИМОЙ МУҲИТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРДА ТАРБИЯ БУЗИЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғиши муаммосини ўрганиш натижаларидан маълум бўлишича, ўсмирда хулқ оғиши бирданига вужудга келмайди. Унинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатга қўл ўриши камида бир йил ёки икки-уч йиллар оралигида ўсмир шахсининг деформациялашув даражасига қараб амалга ошади.

Маълумки, ўсмирнинг оила ва катта ёшдаги кишилар назоратидан четда қолиши, ўқишга нисбатан қизиқишнинг сусайиши, зарарли одатларга берилиш, турли хил қонунбузарликни содир этиши, умумий тартиб-интизомни бузиш ва шахслараро муносабатлардаги салбий ўзгаришлар хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлади ва улар хулқда ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бундай ўзгаришларга баъзан ота-она ва мактаб жамоаси аъзоларининг кўзи тушмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ушбу бир-бирини тўлдирувчи икки ижтимоий тарбия масканининг болалар ва ўсмирлар ўртасидаги хулқ оғишининг олдини олишдаги ўрни бениҳоя каттадир. Аммо болалар ва ўсмирлар жиноятчилигининг олдини олишда бу икки ижтимоий инситутнинг ўрни, таъсири негадир кейинги йилларда кўзга ташланмай боряпти. Хўш, бунинг сабаби нимада бўлиши мумкин? Бизнингча, бунга, энг аввало, улар ўртасидаги мустақкам алоқанинг, узвийликнинг йўқолиб бораёт-

гани, иккинчидан, ота-она ва мактаб ўқитувчиларининг болалар тарбияси, уларнинг маънавий-ахлоқий камолоти билан жиддий шуғулланмаётгани ва болалар фаолияти, уларнинг бўш вақтини назорат қилмаётгани сабаб бўлмоқда. Шу боисдан болалар ва ўсмирлар жинойтчилигининг олдини олишда оила ва педагогик жамоа муҳитини соғломлаштириш, улар ўртасида ўзаро ҳамкорликни юзага келтириш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, оила ва ташқи муҳит индивиднинг ижтимоийлашувида катта ўрин тутади. Шундай экан, ўша муҳитни соғломлаштириш болалар ва ўсмирлар ўртасидаги турли хил кўринишдаги хулқ оғошининг, жумладан, жинойтчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгаллигини унутмаслигимиз керак.

Оилада ота ёки онадан бирининг ёки иккаласининг ҳам йўқлиги болага кучли эмоционал таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳатто низоли вазиятлар кўплаб учраб турадиган носоғлом оилада ўсаётган ўсмир учун ҳам ота-онанинг ўрни бекўёс. Ўсмир учун ота-она меҳри турли хил оилавий уруш-жанжаллардан, муаммолардан устун туради. Шу боисдан болалар хулқ-атвориغا кучли таъсир кўрсатувчи омил ота-она ва оила аъзоларининг таъсири ҳисобланади. Шунга қарамай, жамиятимизда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш, ота-онанинг ўз фарзандларини бир умрга ташлаб кетиши, болалар тарбияси билан жиддий шуғулланмаслиги ҳамда улар фаолиятини назорат қилмаслиги ҳолатлари учраб турибди. Бундай ҳолатлар, ўз навбатида, болалар ва ўсмирлар ўртасида жинойтчиликнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Демак, айтиш мумкинки, болалар ва ўсмирларнинг ота-она бағрида бўлишини таъминлаш, уларнинг тарбиявий таъсир даражасини ошириш вояга етмаганлар жинойтчилигининг олдини олишда муҳим омилдир. Шу билан бирга, оила ва оила аъзоларининг болага салбий таъсир кўрсатиш ҳолатлариға имкон қадар чек қўйиш вояга етмаганлар жинойтчилигининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Носоғом муҳитли оилани соғломлаштириш учун, энг аввало, қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Биринчидан, оилада ота-она болаларнинг истак ва қизиқишларини ўзининг истак ва қизиқишларига мос равишда бошқара билиши лозим, иккинчидан, оилада ҳар бир болага унинг индивидуал-психологик хусусиятидан келиб чиқиб муомала-муносабатда бўлиш талаб этилади. Хулқ-атвори деморализациялашган ота-онанинг болалар қизиқишларини бошқаришига йўл қўймаслик зарур. Акс ҳолда, бундай ота-онанинг ўзи болаларда салбий хулқнинг келиб чиқишига имконият яратиши мумкин.

Маълумки, ҳеч бир ота-она болалари хулқ-атворида салбий иллатларнинг келиб чиқишини хоҳламайди. Лекин хоҳламасалар-да болалар, хулқида ўзгариш келиб чиқади. Бунинг сабаби сифатида оиладаги криминоген муҳит ва ота-она-

нинг салбий хулққа эгаллиги, тарбиядаги йўл қўйилган нуқсонлар кўзга ташланади. Чунки оиладаги муҳит, айниқса, ота-она хулқи кучлироқ таъсир кучига эгадир. Бундай оилаларда яшаётган болалар ва ўсмирларда оилавий муҳитга боғлиқ хулқ оғшининг келиб чиқиши муқаррар. Маъқур ҳолатда ота-она ва оила аъзолари хулқини, оила муҳитини соғломлаштириш чора-тадбирларини кўриш талаб этилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш, улар тарбиясидаги болаларни давлат қарамлигига олиш ҳамда уларни болалар уйига жойлаштириш сўнги чора бўлиши лозим. Болалар уйига жойлаштирилганда ҳам уларга оилавий муҳитни яратиб беришга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ.

Оила, оилавий муносабатлар, жумладан, ота-онанинг таъсир доираси кучлигини ҳисобга олиб, энг аввало, маҳалла оқсоқоллари, кенг жамоатчилик ўсмир яшаётган оила муҳитини соғломлаштиришга, ота-она хулқидаги салбий иллатларни тузатишга ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқ.

Кузатишларимизга қараганда, кўпинча ота-она ва педагоглар болалар ва ўсмирлар жиноятчилигининг олдини олишда нима қилиш кераклиги, қандай йўл-йўриқ ва усуллардан фойдаланиш зарурлиги масаласида қийналадилар. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, болалар ва ўсмирлар ўртасида хулқ оғшининг олдини олишда ҳеч қандай махсус ишлаб чиқилган йўл-йўриқ ёки усуллардан фойдаланиш талаб этилмайди. Аксинча, барча тадбирларни одатий тарбиявий восита ва болаларнинг умумий хулқ-атворини соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар орқали амалга ошириш мумкин.

Фикримизча, тарбиянинг умумий мақсад ва вазифаси билан махсус йўналтирилган профилактик чора-тадбирлар мақсад ва вазифаси ўртасида тафовут бўлмаслиги шарт. Улар бир-бирини тўлдирувчи ва давом эттирувчи хусусиятга эга бўлиши лозим.

Шуни унутмаслик керакки, профилактик чора-тадбирларнинг, болалар ва ўсмирларда жиноятчилик кўчасига кириб кетиш хавфи туғилмасдан, қўлланилиши яхши натижа беради. Профилактик тадбирларнинг, оилавий носоғлом муҳитнинг болага таъсири сезилганда, оиладан ташқарида хавфли таъсирлар юзага келганда, оилавий тарбияда хатоликка йўл қўйилганда ва болалар қаровсизлиги ҳолатларида, амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Болалар хулқидаги ўзгаришларнинг олдини олиш чора-тадбирлари оилада ва мактабда бир хип суръатда амалга оширилиши керак. Ўрни келганда оила ва мактаб умумий тарбияловчи вазифасини, ўрни келганда эса профилактик таъсир кўрсатувчи вазифасини бажариши лозим.

Қуйида умумий тарбияловчилик вазифасини амалга ошираётган оилаларда

профилактик тадбирларни ўтказишда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғошининг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш нафақат ўсмир вояга етган ижтимоий муҳит шарт-шароити, тарбияланганлик даражаси, балки унинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳам ҳисобга олишни тақозо қилади.

Тадқиқотимиз натижаларидан маълум бўлишича, ўсмир шахсидаги умумий ижобий фазилатлар кўпинча ситуацион характердаги жиноятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай вазиятларда болалар ва ўсмирлар ўртасида муаммоли вазиятларнинг келиб чиқиш даражасини камайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Болалар ва ўсмирлар характери ва хулқ-атворини ўрганиш натижалари уларда ижтимоий муҳитга нисбатан мослашиш қобилиятининг сусайиши ҳолатининг юзага келишини кўрсатади. Ижтимоий муҳитга нисбатан мослашиш қобилиятининг ривожланганлиги индивиднинг нормал ривожланиш шarti сифатида намойён бўлса, мослашиш қобилиятининг сусайиши ижтимоий муҳитга нисбатан мослашишнинг бузилишига олиб келади. Бу болалар ва ўсмирларда жиноятчилик хулқининг келиб чиқиши учун шарт-шароит сифатида хизмат қилади. Шунинг учун, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғоши ва жиноятчиликнинг олдини олишда ўсмирнинг ижтимоий муҳитга нисбатан мослашиш лаёқатини ўстириш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғоши ва жиноятчиликнинг олдини олиш тадбирлари болалар ва ўсмирларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилишини таъминлаш, вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишда мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлигини юзага келтириш, ижтимоий ҳамда оила муҳитини соғломлаштириш ва шу кабилар асосида олиб борилиши айни муддао.

ТАРБИЯСИ ҚИЙИН БОЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАДБИРЛАРИ

Манбалар ва тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўсмирлик ёшининг ўзига хос мураккаб томонлари мавжуд бўлишига қарамай, уларни тарбиялаш мумкин.

Ҳозирги кунда психологияда инсон хулқ-атворидаги ўзгаришлар ва ахлоқ нормасидан четга чиқиш ҳодисаси ижтимоий ҳаёт билан боғлиқлиги ва уларни соғломлаштириш мумкинлиги тўғрисидаги таълимот илмий жиҳатдан асосланди. Бундан тарбияси оғир болалар хулқ-атворини соғломлаштириш мумкин деган хулоса келиб чиқади.

Ижтимоий психологияда тарбияси қийин болалар жиноий (хуқуқий) ва оддий (ахлоқий) қонунбузарлар гуруҳига бўлиб ўрганилади. Тадқиқотчилар қонунбузар болалар ва ўсмирлардаги салбий хатти-ҳаракатларнинг вужудга келиш сабабларига қараб тарбияси қийин болаларнинг тахминий типологиясини тузишга ҳаракат қиладилар.

Биринчи гуруҳга балоғатга етмаган, андишасиз, қайсар ўсмирлар киритилади. Бундай ўсмирлар, шахсий қараши, ўзгаларга баҳо бериши ахлоқ нормасига зид бўлгани сабабли, қонун бузадилар. Ўз қарашларини мактаб, оила ва жамоатчилик фикрига қарши қўйишга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, кўпинча ўз қилмишларини яхши англаган ҳолда иш тутадилар. Катталарнинг иззат-нафсига тегиш уларга роҳат бағишлайди. Ўртоқларини қўрқитиш, руҳан азоблаш, ваъдалар бериш билан ўзига оғдиришга интиладилар. Уларда «ўзини кўрсатиш» иштиёқи кучли. Бундай болалар ва ўсмирлардаги «ўзини кўрсатиш» иштиёқидан унумли фойдаланиш мумкин. Масалан, уларни спорт тўғрақларига жалб қилиш, тадбирларда тартибни назорат қилиш вазифасини юклаш, ижтимоий меҳнат фаолиятида масъулиятли участкаларни топшириш, улар йўл қўйган камчиликларини юзига солмаслик, камчиликларини бировлар олдида айтмаслик, дарсдан ташқари ишларда раҳбарлик вазифасини бериш хулқ-атворидаги ўзгаришларни соғломлаштиришга хизмат қилиши мумкин. Қолаверса, улар зоришган айрим муваффақиятларни жамоа олдида рағбатлантириш, фанларни ўзлаштиришини қўллаб-қувватлаш, улар дуч келган қийинчиликларни бартараф этишга кўмаклашиш, шахслараро муносабатларда психологик хусусиятларини ҳисобга олиш яхши натижа беради.

Иккинчи гуруҳга беқарор ёки суббутсиз, яъни ўз мустақил фикрига эга бўлмаган болалар ва ўсмирлар киритилади. Бундай болалар ва ўсмирлар, барқарор ахлоқий эътиқоди, маънавий ҳис-туйғу ва шахсий қарашлари шаклланиб улгурмаганлиги туфайли, иккиланиб турадилар. Кишиларни баҳолаш фаолияти фавқуллодда вазиятларга боғлиқ. Ирода кучининг заифлиги, маънавий дунёсидаги

беқарорлик, воқеа-ҳодисаларга нисбатан бефарқлик ва ташқи таъсирларга тез берилиш туфайли хулқ-атворида ўзгаришлар келиб чиқади. Уларнинг кўнгли бўшлиғи, характер ўзгарувчанлиғи натижасида, баъзан қонунбузарлик ҳодисалари ҳам содир этилиши мумкин. Бундайлар кўпинча бировга берган ваъдасининг устидан чиқолмайди. Ўз қилмишларидан пушаймонликни ҳис қилади.

Улар билан ишлашда мустақил фикр юритишга ўргатиш, танқид ва ўз-ўзини танқидга одатлантириш, ирода кучини ўстириш учун махсус машғулотлар ўтказиш, фавқулодда вазиятларга бефарқлик хусусиятини қайта тарбиялаш ва йўл-йўриқ кўрсатиш лозим.

Учинчи гуруҳга бошқа гуруҳларда учрамайдиган психик хусусиятлар, кечинмаларга бой болалар ва ўсмирлар киритилади. Бундайларда худбинлик, шахсий эҳтиёж ва истакнинг кучлилиги кўзга ташланади. Шунинг учун улар ўз хоҳиш-истаги йўлида ҳар қандай, ҳатто ман қилинган йўллардан ҳам тоймайдилар. Улар маънавий қашшоқлигини ҳис қиладилар ва бундан изтироб чекадилар. Бировларга яхшилик қилишни хоҳлайдилар, аммо худбинлиги боис яхшилик қилолмайдилар.

Бундайлар билан ишлашда худбинлигини йўқотиш учун махсус машғулотлар уюштириш яхши натижа беради. Дўстлик, ҳамкорлик, инсонпарварлик ҳислатларини таркиб топтиришга ҳаракат қилиш лозим. Раҳбарлик ишларига жалб этиш уларда масъулият ҳиссини вужудга келтиради. Мустақиллик, ижодий фикр юритиш, ўз-ўзини назоратга олиш ва ўз-ўзини танқид сингари сифатларни шакллантириш зарур.

Аффектив кечинмали, эҳтиросларга бой, кўзгалувчан, руҳий беқарор болалар ва ўсмирлар тўртинчи гуруҳни ташкил этади. Бундайлар жамоада, оилада ва ўртоқлари даврасида ўз ўрнини тополмайдиган, ўзини кўрсатиш қобилиятига эга бўлмаган, доимий равишда руҳий изтиробга тушувчи, ҳаракатлари суст, кўпчиликнинг назарида бўлишни ёқтирмайдиган, ноаниқ сабабларга кўра азобланувчи бўлади.

Бундайлар билан ишлашда улардаги импульсивлик, аффектга мойиллик хусусиятларининг олдини олишга ва ўша вазиятларга тушган пайтда оқилona маслаҳат бериш, ирода сифатларини шакллантиришга доир тадбирларни кўпроқ олиб бориш мақсадга мувофиқ. Уларда қийинчиликларни енгишга нисбатан интилишни вужудга келтириш, ўз-ўзига ва ўз кучига ишонч ҳиссини тарбиялаш, дадилликни вужудга келтириш, шахсий фаолиятларини шакллантириш ва уюштиришга ёрдам бериш ишларини олиб бориш яхши натижа келтиради.

Тарбияси оғир болалар ва ўсмирларни тарбиялашда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Энг аввало, болаларнинг бўш вақтларини тўғри тақсимлаш, «кўнгилочар» ўйин-

ларга берилиши, бемаъни «ҳордиқ чиқариши» ва кўча-кўйда мақсадсиз санғишига йўл қўймаслик лозим. Бунинг учун мактаб, маҳалла, жамоатчилик ва оила ҳамкорлигини мустақкамлаш, болаларни имкон қадар мактабдан ташқари муассасаларга жалб этиш чора-тадбирларини қўллаш керак.

Уларнинг хулқи ва фанларни ўзлаштиришини объектив баҳолаш, шахслараро муносабатларда ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини инобатга олиш, дарсларни юқори савияда ва қизиқарли ўтиш, оилада ва синф жамоасида қулай шарт-шароит яратиш айни муддао.

Улар билан ишлашда кўпроқ индивидуал ёндашиш, доимий кузатиб бориш, шахсий ҳужжатларини изчил ўрганиш, фаолияти, хулқ-атвори ва характер хусусиятларини ифодалайдиган синф раҳбари ёки амалиётчи психолог дафтарини тузиш, низоли вазиятларни вужудга келтириш орқали тажриба ўтказиш ишларини олиб бориш тарбияси қийин болалар ва ўсмирларни қайта тарбиялашда муҳим омилдир.

ОИЛА ВА МАҲАЛЛАЛАРДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТАРБИЯСИДАГИ НУҚСОНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Республикамизнинг мустақил тараққиётида, давлатни бошқаришда, демократик ислохотларни амалга оширишда, ёшлар ўртасида юзага келаётган турли хил салбий иллатларнинг олдини олишда ҳамда бу ишларда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланган маҳалланинг ўрни беқиёсдир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ва жамоат ташкилотларидан фарқли ўлароқ ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, маҳалланинг ҳар бир оиласи, фуқароси, шу жумладан, вояга етмаганлар ҳаётига, онгига кириб боришда, уларнинг жамоат ишларини бошқаришда иштирокини таъминлашда, келажак авлодни ақлан баркамол, маънан етук, ахлоқан пок этиб тарбиялашда алоҳида мавқега эга. Шу боисдан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилишда, тегишли ҳудудда жамоат тартиби ва хавфсизликини таъминлашда, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиш каби ваколатларнинг берилиши бежис эмас.

Фуқаролар йиғини раиси ва фаолларининг маҳаллада яшовчи ёшларни

тарбиялашдаги ўрни катта. Баъзан маҳалла аҳолиси ўртасидаги ўзаро муносабатларда, ёшлар тарбиясидаги муаммоларда шундай ҳолатлар юзага келадими, уни ҳеч қандай норматив ҳужжат билан тартибга солиб ёки тўғри йўлга бошлашнинг имкони топилмайди. Бу каби ҳолатларни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришда маҳалла оқсоқоли, маҳалла фаоллари халқимизга хос миллий кадриятлар, урф-одатлар, анъаналарга таяниши лозим.

Улуғларимиздан бири: «Нобоп фарзанд ортиқча бармоққа ўхшайди, кесиб ташласанг, оғрилади. Кесмасанг, ҳар жойда изза қилиб, юзингни ерга қаратади», – деган экан. Аспида, ҳеч ким она қорнидан ўғри ёки жиноятчи бўлиб туғилмайди. Ёшларимизни тарбиялаш бобида қаерда, қачон, қандай хатоликларга йўл қўйилдики, айрим ёшлар жиноят ва қонунбузарлик кўчасига кириб қолиб, умрининг энг гуллаган даврини беҳуда ўтказмоқда? Усмир ёшлар нега жиноятга қўл уряпти?»¹

Умуман, ҳар бир жиноятчи барчамиз яшаётган маҳаллаларда туғилади ва униб-ўсади. Ёшларнинг жиноят оламига кириб қолиши ота-онанинг, қолаверса, маҳалла аҳлининг бефарқлиги асосида шаклланади.

Бинобарин, юртбошимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик, аввало, биз катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатопаримиз оқибатидир. Шунинг учун руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб, жиноят содир этган ёшларимизни жамиятга қайтариш ота-она ва давлатнинг зиммасига тушади.²

Оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, вояга етмаган болалар ўртасида қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш ва бундай болалар билан ишлашни тўғри йўлга қўйиш мақсадида Республика прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Оила» илмий-амалий маркази, Республика маънавият ва маърифат маркази, маҳаллий ҳокимликлар билан келишган ҳолда ташкилий-педагогик ишларни олиб бориш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг «Жамоатчилик маслаҳат кенгаши тузиш ҳақида»ги буйруғи имзоланди.

Буйруққа мувофиқ низом ва тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бугунги кунда ушбу йўналишдаги ишлар Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги вояга етмаган, тарбияси оғир, ноқобил ёшлар билан ишлаш жамоатчилик кенгаши низоми асосида олиб борилмоқда. Аммо, кузатишлардан маълум бўлишича, тарбияси оғир болалар билан ишлашда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, маҳал-

¹ Оилавий муҳит ва болалар // Қалқон. 2006. – №1. – Б.14 – 15.

² Қаранг: Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б.41.

лалар, мактаблар, ички ишлар бўлими ва оилалар ҳамкорлиги талаб даражасида эмасдек. Табиийки, бундай ҳолат вояга етмаганлар ўртасида қонунбузарликларнинг олдини олиш тадбирларининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун вояга етмаганлар ўртасида қонунбузарликнинг олдини олишда, энг аввало, мазкур ташкилотларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш муҳим.

Қузатишларимиздан ойдинлашича, маҳаллаларда вояга етмаган ёшдаги болаларнинг қуйидаги тоифалари билан психологик-педагогик йўналишдаги профилактик тадбирларни олиб бориш зарурати мавжуд: озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазо ўтаётганлар; озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинганлар; озодликдан маҳрум қилиш жазосига шартли ҳукм қилинганлар; жиноят содир этишда айбланиб, бироқ тергов давомида қамоққа олинмаганлар; жамоатчилик тартиб-қоидаларини бузганлар; доимий равишда спиртли ичимлик истеъмол қилувчилар; гиёҳвандликка мойиллиги мавжуд вояга етмаганлар; оиладан ўзбошимчалик билан доимий равишда кетиб қолаётганлар; тез-тез дарс қолдирувчи вояга етмаганлар; файриижтимоий ҳаёт тарзини кечирувчи вояга етмаганлар; носоғлом оилавий муҳитда тарбияланаётган вояга етмаганлар; маиший-иқтисодий жиҳатдан камтаъминланган оилаларда тарбияланаётган вояга етмаганлар ва ҳ.к.

Бу тоифадаги вояга етмаган болалар билан психологик-педагогик йўналишдаги профилактик ишларни олиб бориш маҳалла ёшлари ўртасида қонунбузарликларнинг олдини олиш борасида муҳим ҳисобланади. Шунингдек, маҳаллаларда профилактика тадбирларини ташкил этишни режалаштириш, ноқобил оилалар ва уларнинг фарзандлари билан олиб бориладиган ишларни такомиллаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида бошқа бир талай ижтимоий, педагогик-психологик вазифалар ҳам туради. Улар қуйидагилардир:

1. Ижтимоий-психологик жиҳатдан носоғлом муҳитли оилаларни ўрганиш.
2. Маҳалладаги вояга етмаган шахснинг психологик, тиббий-педагогик хусусиятларини, турмуш шароитларини, қизиқиш ва эҳтиёжларини, қийинчилик ва муаммоларини, низоли вазиятларни, болалар хулқ-атворидаги оғишларни ўрганиш.
3. Маҳалладаги оилаларга ахлоқий-психологик, моддий-маънавий ва маърифий жиҳатдан тавсифнома тайёрлаш.
4. Оиладаги криминал омилларни, хусусан, алкоголизм, наркомания, ота-онанинг бузуқ ва паразит ҳаёт кечириши, оилавий жанжаллар, ота-она томонидан болалар тарбиясида қўлланилаётган тарбия усуллари, оилада судланганларнинг мавжудлигини ўрганиш ва керакли маслаҳатлар бериш.
5. Маҳалладаги оилаларнинг ижтимоий-демографик омиллари, яъни тўлиқ ёки нотўлиқ оила, кўп болали ёки кам болали оила, қайта турмуш қурган ва ўғай фарзандларнинг мавжудлиги ҳолатини ўрганиш.

6. Oilalарда ота-онанинг болалар тарбияси ҳақидаги педагогик-психологик билимлари даражасини ўрганиш.

7. Маҳалладаги тарбияси қийин болалар ва ўсмирларни ижтимоий фойдали машғулотларга жалб этиш.

8. Oilalарда болаларнинг ижтимоий етимпигини (назоратсизлик ва қаровсизлик) келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва унинг олдини олишга доир маслаҳатлар бериш.

9. Болаларнинг хулқ-атворига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш.

10. Тарбияси оғир болалар ва ўсмирлар билан якка тартибда ишлаш чора-тадбирларини кўллаш.

11. Маҳалладаги болалар тарбиясида қўни-қўшничилик таъсирини кучайтириш.

12. Маҳаллада болалар тарбиясини оила – мактаб – маҳалла ҳамкорлиги концепцияси асосида ташкил этишга зоришиш.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари келажагимиз ҳисобланган ёшларнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб етишишига кўмаклашувчи ҳамда улар ўртасида юзага келаётган турли хил салбий иллатларнинг олдини олувчи муҳим ижтимоий институт ҳисобланади.

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРДА ХУЛҚ ОҒИШИ ВА ТАРБИЯДАГИ БУЗИЛИШЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН АЙРИМ ТАВСИАЛАР

Болалар ва ўсмирлар ўртасида хулқ оғиши ва улар тарбиясидаги бузилишларнинг олдини олишда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- Хулқ оғишига эга болалар ва ўсмирлар шахсида асоциаллик, руҳий беқарорлик, ўзгарувчанлик, гипертимлик, аффектга мойиллик, циклотомиклик хусусиятларининг яққол ифодаланганидан келиб чиқиб улар шахсини соғломлаштиришга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунда улар яшаётган оила ва ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, шахслараро соғлом муносабатни вужудга келтириш ишларини олиб бориш яхши натижа беради.

- Вояга етмаганлар ўртасидаги хулқ оғишининг келиб чиқиши асосий сабаблари сифатида болалар ва ўсмирлар фаолиятини назорат қилмаслик, оилада бола тарбиясига эътиборнинг сусайиши кабилар намён бўлганидан келиб чиқиб оилада ҳамда оиладан ташқарида болалар ва ўсмирлар фаолиятини, бўш вақт-

ларида нима билан шуғулланаётганини назорат қилиш ва болалар тарбиясига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

- Криминоген ҳулқли оилаларни аниқлаш, уларда тарбияланаётган болалар ва ўсмирлар аҳволдан хабардор бўлиб туриш.

- Моддий-маиший шароитнинг етарли эмаслиги вояга етмаганларда ҳулқ оғшининг келиб чиқишига таъсир этишини ҳисобга олиб бундай оилаларга маҳаллий ҳохимият, ижтимоий таъминот ва хайрия жамғармалари томонидан моддий ёрдамлар уюштиришни ташкил этиш.

- Болалар ва ўсмирларнинг мактабдан бўш вақтларини назорат қилиш ва улардан унумли фойдаланишини таъминлаш.

- Ота-она, катта ёшдаги кишилар ва ўқитувчиларнинг болалар ва ўсмирларга нисбатан қаттиққўл, қўпол ва адолатсиз муносабатларига барҳам бериш.

- Вояга етмаганларда ҳулқ оғиши кўпинча ота-она, ўқитувчиларнинг болалар ва ўсмирлар психологиясини билмасдан муносабатда бўлиши натижасида келиб чиқаётгани ота-она ва ўқитувчиларни психологик-педагогик билимлар билан қуроллантириш зарурлигини кўрсатади.

- Психолог, социолог, педагог, психиатр ва ҳуқуқшуносларнинг оммавий ахборот воситаларида вояга етмаганлар қонунбузарликлари ва уларнинг олдини олиш, жиноятчилик ҳулқи психологияси, болалар ва ўсмирлар психологияси каби мавзуларда эшиттиришлар, кўрсатувлар, мақолалар билан чиқишларини ташкил этиш.

- Вояга етмаганлар ўртасидаги қонунбузарликларнинг олдини олиш ишларига қарияларни ва дин вакилларини жалб этиш.

- Республикамиз аҳолисининг катта қисми ёшлар эканини инобатта олиб маҳаллаларга алоҳида вояга етмаганлар билан ишлаш профилактика нозири штатини ажратиш мақсадга мувофиқ.

- Тошкент шаҳри, вилоятлар, туманлар ҳокимликларида ташкил этилган вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини кучайтириш ва улар фаолиятида психолог, педагог, психиатр мутахассисларнинг кенгроқ иштирокини таъминлаш.

- Ички ишлар бўлимлари ва маҳаллалардаги вояга етмаганлар билан ишлаш профилактика нозирларининг психологик-педагогик билимларини ошириш мақсадида махсус вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича психологик-педагогик малака ошириш курсларини ташкил этиш.

- Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳулқ оғиши ва қонунбузарликларнинг олдини олиш тадбирларининг психологик-педагогик жиҳатдан илмий асосланган бўлишини таъминлаш.

- Вояга етмаганларда хулқ оғишининг олдини олишда болалар ва ўсмирларнинг ёш, индивидуал-психологик хусусиятларини инобатга олиш.

ОТА-ОНАГА МАСЛАҲАТЛАР

- ❖ Фарзандингизни бошқа болалар билан дўстлашишга ўргатинг. Ёлғиз юришига йўл қўйманг.
- ❖ Фарзандингизнинг дўстларини баҳолашда ота-онасининг мавқеи, имкониятига эмас, фарзандингизга бўлган муносабатига эътибор қаратинг.
- ❖ Ўртоқларини ўзининг шахсий фикри асосида баҳо бериш ва ҳурмат қилишга ўргатинг.
- ❖ Фарзандингизга ўртоқларининг ютуқларини кўрсатишга ҳаракат қилинг, албатта, таққосламаган ҳолда.
- ❖ Фарзандингизни дўстликдаги садоқатини рағбатлантиринг.
- ❖ Фарзандингиз ўртоқларини уйингизга меҳмонга таклиф этинг, улар билан мулоқот ўрнатинг.
- ❖ Дўстликда ростгўй бўлиш, манфаат кўзламаслик кераклигини тушунтиринг.
- ❖ Фарзандингизни доим дўст бўлишга ўргатинг.
- ❖ Фарзандингиз дўстига ишонгандай ўз сирларини айтса, сизга бўлган ишончини суиистеъмом қилманг.
- ❖ Фарзандингизни танқид қилинг, фақат уни масхаралаб эмас, балки қўллаб-қувватлаб.
- ❖ Фарзандингизнинг ўртоқларига яхшилик қилиш истагини қўллаб-қувватланг.
- ❖ Ўртоқларига муносабатда қақимчилик, сотқинлик йўлига киришига имкон берманг.
- ❖ Салбий хусусиятлар ана шундай майда-чуйда камчиликлар оқибатида келиб чиқади.
- ❖ Ёшликдаги дўстлик унинг келгуси ҳаётида пойдевор бўлиши мумкин.

Юқоридаги сабаблардан келиб чиқиб тарбияси оғир болалар билан ишлашда қуйидаги тамойилларга асосланиш лозим:

- ✓ Болаларда ижобий хулқ-атвор ва характер хислатларини шакллантиришга йўналтирилган тарбиявий жараёни ташкил этиш.
- ✓ Психологинг боладаги энг яхши инсоний фазилатларни кўра олиши ва болаларда ўзига ишонч, ўз хулқини ўзи яхшилаш мотивларини шакллантириши.
- ✓ Болаларнинг ўзларидаги ижобий характер хислатларини англашини рағбатлантириш.
- ✓ Болаларни ўз хулқ-атворини ўзи баҳолашга ўргатиш.
- ✓ Ўқувчиларнинг ижобий хатти-ҳаракатларини мунтазам назоратга олиш.
- ✓ Ўқувчиларга ишониш.
- ✓ Олдига қўйилган вазифаларни бажаришда эришган ютуқларини рағбатлантириш.
- ✓ Фанга, касбга бўлган қизиқишларини ошириш.
- ✓ Ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этишини назорат қилиш.
- ✓ Тарбия беришнинг оптимал стратегиясини аниқлаш.

Тарбияси қийин болалар билан ишлашда индивидуаллаштирилган тарбия бериш:

1. Ўқувчилардаги индивидуал сифатлардаги ўзгаришларни мониторинг қилиш.
2. Ўқувчиларга индивидуал ёндашув ҳар бирига аниқ махсус педагогик таъсир ўтказиш.
3. Тарбиявий таъсирнинг болани ҳар томонлама ривожлантиришга йўналганлиги.
4. Дарсдан ташқари фаолиятларда ўқувчиларга мустақил фаолият (ўқиш, ўйин, меҳнат, хобби ва қизиқишлари)ни танлашга имконият бериш.
5. Ҳар бир болага ақлан ҳамда ахлоқан ривожланишига йўналтирилган тарбиявий ишларни ташкил этиш.
6. Ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатаётганда бошқа болаларга салбий муносабат билдирмаслик.

ОТА-ОНА УЧУН ТЕСТЛАР

Сиз қандай тарбиячисиз?

Келтирилган саволларга таклиф этилган жавоблардан фикрингизга мос ту-

шадиганини танлаб жавоб беринг. Жавоб бериш учун узоқ ўйланиб ўтирманг. Хаёлингизга келган биринчи жавобни айтинг. Иложи борица тез ва самимий жавоб беришга интилинг.

«Ҳа» «Баъзан» «Йўқ»

1. Боланинг баъзи саволлари: «Қачон катта бўлсанг, ўшанда айтаман», – деб жавоб қайтарасизми?
2. Майда харажатлар учун болага пул берасизми?
3. Агар болани бирон масалада инкор қилсангиз, унга сабабини тушунтириб берасизми?
4. Боланинг сизга берадиган ёрдамидан фойда кам ёки умуман бўлмаслигини била туриб хўжалик ишларини бажаришда кўмаклашишига йўл қўясизми?
5. Болага нисбатан муносабатда арзимас (кичик) ёлғоннинг бўлиши мумкин деб ҳисоблайсизми?
6. Болада кузатувчанликни ривожлантириш учун ҳар қандай ҳодисадан фойдаланасизми?
7. Болалар иштирокида танишларингизни танқид қилишни ўзингизга раво кўрасизми?
8. Болани алдаш керак эмас деб ҳисоблайсизми?
9. Ҳатто кичкинтой болаларга ҳам барча ҳаётий фактларни тўла тушунтириб бериш керак деб биласизми?
10. Тарбия бўйича китоблар ўқийсизми?
11. Ҳатто энг кичик болалар ҳам ўз сирига эга бўлишга ҳақли деб ҳисоблайсизми?
12. Агар бола овқатни охиригача емаса уни жазолаш билан кўрқитиш ҳоллари бўлиб турадимиз?
13. Болада мустақиллик ва ўзига ишонч ҳиссининг ривожланишига ҳаракат қиласизми?
14. Бола билан қувончини баҳам кўра биласизми?
15. Бўш вақтингизни болалар билан мароқли ўтказа оласизми?
16. Фарзандингиз иқтидорини намоёиш қилишини ёқтирасизми?
17. Бир сўз билан айтганингизни қилдира оласизми?
18. Агар болангиз инжиқлик қилаётган бўлса, бутунлай хотиржамликни сақлай биласизми?
19. Фарзандларингиз дўстлари билан осон дўстлашишга қурбингиз етадимиз?

Тест калити

Жавоблар	САВОЛЛАР													
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
Ҳа	0	3	3	4	0	5	1	3	0	4	3	0	5	3
Баъзан	2	4	2	3	3	2	2	4	3	2	2	1	1	2
Йўқ	5	1	0	0	4	0	4	1	4	0	1	4	0	0

Жавоблар					
	15	16	17	18	19
Ҳа	5	0	5	5	4
Баъзан	1	1	0	1	2
Йўқ	0	4	0	0	0

Тест калитидан фойдаланган ҳолда ўз жавобларингизга баҳо қўйиб чиқинг ва уларни жамланг.

Баҳолар изоҳи:

25 баллдан кам: қаттиққўллик яхши тарбиянинг ягона элементи эмас. Сизнинг мазкур принципингиз билан болани қувноқ ва барқарор киши қилиб тарбиялаш қийин кечади.

26 – 56 балл: принципингиз, умуман, тўғри, лекин сизга фақат мантиқий бўлиш етарлимасдек туюлмаётими, янада реалроқ (амалийроқ) бўлиш керак.

56 баллдан юқори: тоқатингиз ва бола психологиясини билишингиз, сўзсиз, муваффақият келтиради. Кимки сизни яхши тарбиячи деб ҳисобласа, у ҳақ деб ўйлаймиз.

БОЛАЛАРНИ ОТА-ОНА ТАРБИЯЛАЙДИ, ОТА-ОНАНИ-ЧИ?

Бу тест сизнинг ота-она сифатида тасаввурингизни тўлдирингиз, бола тарбияси муаммоси ҳақида аниқ хулоса чиқара олишингизда кўмаклашади деб ўйлаймиз.

Саволларни диққат билан ўқиб уларга таклиф этилган жавоблардан бирини, яъни ўз фикрингизга мосини танлаб жавоб беринг.

Бунда А – «уддалайман, доим шундай қиламан», В – «уддалаш мумкин, бироқ доим шундай қила олмайман», В – «уддасидан чиқолмайман» деган жавобларни билдиради.

САВОЛЛАР		Жавоблар		
№	Уддалай оласизми?	А	Б	В
1.	Ҳамма ишингизни қолдириб, доимо бола билан шуғуллана оласизми?			
2.	Бола билан бирор соҳада жиддий маслаҳатлашасизми?			
3.	Янглишсангиз боладан узр сўрайсизми?			
4.	Боланинг қилмишидан жаҳлингиз чиқса, ўзингизни тута биласизми?			
5.	Ўзингизни бола ўрнига қўйиб кўринг...			
6.	Ўзингизни бир лаҳза ажойиб мард сەҳрар деб ҳис этинг...			
7.	Болалик даврингизда сизни ноқулай аҳволга солган ва энди болага ўрнак бўладиган воқеани унга сўзлаб бера оласизми?			
8.	Боланинг дилини оғритадиган сўзларни ишлатишдан ўзингизни тийинг...			
9.	Яхши хулқи учун боланинг бирон истагини бажаришга ваъда берасизми?			
10.	Болангизга у хоҳлаган ишини қиладиган, ўзини хоҳлаганича тутадиган бирор кун ажратиб бера оласизми ва шу кунни унинг ишига аралашмайсизми?			
11.	Фарзандингиз бошқа бир болани урди ё асоссиз хафа қилди. Индамайсизми?			
12.	Фарзандингиз кўз ёшига (агар бу ўтиб кетадиган инжиқлик деб ишонсангиз) тоқат қила оласизми?			

Ҳар бир жавоб бўйича олинган балларни ҳисобланг.

Бунда А 3 балл, Б 2 балл, В 1 балл билан баҳоланади.

30 – 39 балл: бола сиз учун энг катта бойлик. Сиз нафақат уни тушунишга, балки уни билишга интиласиз. Унга ҳурмат билан қарайсиз, тарбияда кўпроқ ибратли тadbирларни қўллайсиз. Демак, оқилона йўл тутаясиз. Болангиз келажагидан ажойиб натижалар қўтишингиз мумкин!

16 – 30 балл: болага ғамхўрлик сиз учун энг муҳим масала. Тарбиячилик истеъдодига эгасиз, лекин бунга амалда яққол кўрсатолмайсиз. Баъзан ҳаддан ташқари талабчан бўласиз, баъзан ўта юмшоқ... Бола тарбиясига муносабатингизни жиддий ўйлаб кўринг.

16 дан кам балл: бола тарбияси сиз учун жуда мураккаб. Сизда ёки билим, ё

болани мукамал шахс қилиш орзуси етишмайди (аҳтимол, униси ҳам, буниси ҳам). Мутахассис тарбиячи ёки психологларга мурожаат этишингиз зарур. Бола тарбиясига оид адабиётлар билан танишинг.

БУВИЛАР ВА НАБИРАЛАР

Ушбу тест саволлари орқали бувилар ва боболар хулқининг фарзандингизга қандай таъсир этаётганини баҳолаб оласиз.

1. Бола музқаймоқ ёки конфет сўраяпти. Бобоси-бувиси ушбу талабни инкор қилишга ўзида куч топа оладими?

- А) агар овқатланиш олдидан бўлса, топади
- Б) ҳар доим ҳам эмас
- В) тополмайди

2. Фарзандингиз буюмларини, ўйинчоқларини сочиб юборди. Бунда ота-онанинг қандай йўл тутди?

- А) танбеҳ беради
- Б) зудлик билан ҳаммасини тартибга келтириб қўйишини талаб қилади
- В) ўзлари йиғиштира бошлайди

3. Набираси ёмон сўзни гапирди. Бунга бобо-бувиси қандай муносабатда бўлади?

- А) сабабини тушунтириб бериб, тақққлайди
- Б) жазолайди
- В) эътибор қилмайди ёки қулади

4. Набирасини меҳнатга қандай рағбатлантиради?

- А) шахсий намунаси билан
- Б) мажбурлаш билан
- В) қайтанга, ҳар қандай ишдан озод қилади

5. Агар бола ўйинчоқ олиб беришни сўраса, улар қандай йўл тутди?

- А) агар ўзини яхши тутадиган бўлса, олиб беради
- Б) ўйинчоқнинг нархига қараб ҳал қилади
- В) бола хоҳишини доимо бажаради

6. Бобо-бувиси болага эзгуликни ёвузликдан қандай фарқлашни ўргатади-ми?

- А) бунга уларнинг вақти етмайди
- Б) ҳа, эзгуликни рағбатлантиришга ҳаракат қилади
- В) йўқ, бунга ҳаётнинг ўзи ўргатиб қўяди деб ҳисоблайди

7. Уйни йиғиштиришга ёрдам бераётиб бола бувисининг энг яхши кўрган идишини синдириб кўйди. Бунга бувиси қандай муносабатда бўлади?

А) хафалигини яширмайди, бироқ танбеҳ бермайди, синиқларини йиғиштириб олишга ёрдамлашади

Б) узоқ вақт панд-насихат қилади

В) бундан буён уйни йиғиштиришни тақиқлайди

8. Боланинг мустақиллигига кексалар қандай муносабатда бўлади?

А) кичик ёшиданоқ ўз-ўзига хизмат қилишни фаол ўргатади

Б) бу хислатдан қувонади

В) ҳар хил ташвишлар билан болаликни «заҳарлаш» керак эмас деб ҳисоблайди

9. Боғчада, мактабда болани ҳовлини тозалашга жалб қилишган. Бунга бобову бувиси қандай муносабатда бўлади?

А) бу ишларга секин-секин ўргатишга ҳаракат қилиш кераклигини эслатади

Б) бу ишларни муҳокама қилмайди

В) норозилик билдиради

10. Сиз болани қилмиши учун жазоладингиз. Бунга ота-онангиз қандай муносабатда билдиради?

А) бетарафликни намоён қилади

Б) жазолашни маъқуллайди

В) боланинг ёнини олади

Жавоблар қуйидагича баҳоланади:

А – 10 балл

Б – 5 балл

В – 1 балл

Ўз жавобларингизга олган баҳоларингизни ҳисоблаб чиқинг.

87 – 100 балл: ота-онангиз сизга болани тарбиялашда фаол ёрдамлашади. Улар етарлича қаттиққўл ва ўз айтганидан қайтмайди. Агар бувиси билан набиралари ўртасида низолар юзага келса, сиз ўртадаги бегонасирашнинг бартараф этилишига ёрдам беринг. Нима бўлса ҳам, буни (уларнинг қаттиққўллигини) болалар иштирокида ота-онангиз билан муҳокама қилманг.

33 – 66 балл: бобоси ва бувиси набирасини тарбиялашда юмшоқликка йўл қўяди. Буни беихтиёр, чин кўнгилдан қиладилар. Гоҳида гапга кирмаслик уларда хафагарчилик, жаҳли чиқишни юзага келтиради. Бу ҳақда улар билан болалар иштирокисиз хушмуомалалик билан гаплашиб олинг. Сиз танлаган тарбия моделини қўллаб-қувватлашлари лозимлигини тушунтиринг. Бу борада келиша олмаслик болалаларда ёмон асоратлар қолдириши мумкин.

32 ва ундан кам балл: бобо ва бувисининг набираларига меҳри, уларнинг ҳар қандай хархаша, тантиқлигини бажариш истаги ҳаддан зиёддир. Шу тарзда эгоист, фақат ўзинигина ўйлайдиган, ҳатто сочларига оқ тушса ҳам ота-онасининг хизматидан фойдаланадиган одамни улғайтириш мумкин. Балки, бошқача ҳам бўлиши мумкин, бундай тарбия ялқовликни, иродасизликни доимо ёрдамга муҳтожликни шакллантириши хавфи бор.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б.41.
2. Болотова А.К., Макарова И.В. Прикладная психология: учебник для вузов. – М.: Аспект Пресс, 2001.
3. Бушменская Г.В., Карабанов О.А., Лидерс А.Г. Возрастно-психологическое консультирование. Проблемы психического развития детей. – М., 1990.
4. Вдовиченко А.А., Иванов Н.Я., Озерецковский С.Д., Эйдемиллер Э.Г. Об оценке склонности к делинквентности при разных типах психопатий и акцентуаций характера у подростков // Патохарактерологические исследования у подростков. – Л., 1981. – С.37 – 39.
5. Воспитание трудного ребенка: дети с девиантным поведением / Под ред. М.И.Рожкова. – М.: Владос, 2003.
6. Гришин В.В., Лушин П.В. Методики психодиагностики в учебно-воспитательном процессе. – М., 1990. – 47 с.
7. Макарова И.В., Крылова Ю.Г. Педагог-психолог. Основы профессиональной деятельности. – Самара, 2004.
8. Личко А.Е., Вдовиченко А.А. Деленквентное поведение при разных типах акцентуации характера у подростков // Судебно-психиатрическая экспертиза: сб. науч. трудов. – М., 1980. – №34. – С.14 – 19.
9. Оилавий муҳит ва болалар // Қалқон. 2006. – №1. – Б.14 – 15.
10. Шоумаров Ф.Б., Соғинов Н.А., Ҳабибуллаев Ф.Ф. Оилани ўрганиш психодиагностик методикалари. – Тошкент, 1998.
11. Ядгарова Г.Т., Авлаев О.У. Тарбияси қийин, қалтис гуруҳга мансуб болалар билан ишлаш: услубий қўлланма. – Тошкент, 2007.
12. Методики исследования личности и межличностного восприятия / Состав. канд. психол. наук Р.А.Воронова, С.А.Секриер. Под ред. канд. психол. наук Л.С.Колмогоровой. – Барнаул, 1988. – 40 с.
13. Практикум по общей психологии / Под ред. проф. А.И.Щербакова. – М.: Просвещение, 1984. – 176 с.
14. Практикум по экспериментальной и прикладной психологии: учеб. пособие / Л.И.Вансовская, В.К. Гайда, В.К.Гербачевский и др. Под ред. А.К.Крылова. – СПб., 1997. – 312 с.
15. Игошев К.Е. Опыт социально-психологического анализа личности несовершеннолетних правонарушителей. – М., 1967. – С.67 – 68.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Бола тарбиясининг бузилиши ва тарбияси оғир болаларнинг келиб чиқиш сабаблари	4
Ўзбек oilаларидаги тарбия усуллари тўғрисида айрим мулоҳазалар	15
Вояга етмаганлар тарбияси бузилишининг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар ва уларнинг айрим ижтимоий-психологик масалалари	22
Ижтимоий муҳитни соғломлаштириш вояга етмаганларда тарбия бузилишининг олдини олиш омили сифатида	26
Тарбияси қийин болалар билан ишлаш тадбирлари	30
Оила ва маҳаллаларда вояга етмаганлар тарбиясидаги нуқсонларнинг олдини олишнинг ижтимоий-психологик масалалари	32
Болалар ва ўсмирларда хулқ оғиши ва тарбиядаги бузилишларнинг олдини олишга қаратилган айрим тавсиялар	35
Ота-онага маслаҳатлар	37
Ота-она учун тестлар	38
Болаларни ота-она тарбиялайди, ота-онани-чи?	40
Бувилар ва набиралар	42
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	45

Маърифий нашр

РЕСПУБЛИКА «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

УМАРОВ БАХРИДДИН МЕНГБОЕВИЧ

БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ БУЗИЛИШИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ
ЮЗАСИДАН ОТА-ОНАЛАРГА МАСЛАҲАТЛАР

Муҳаррир: Абдулла ШАРОПОВ

Мусахҳиҳ: Марҳабо ЖЎРАЕВА

Бадиий муҳаррир: Феруза НАЗАРОВА

Техник муҳаррир: Хуршид ИБРОҲИМОВ

Нашриёт лицензияси: АИ №134, 27.04.2009
Теришга берилди: 12.09.2012 й.
Босишга рухсат этилди: 31.10.2012 й.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 60x84 $\frac{1}{16}$.
Агіал гарнитураси. Офсет босма.
Ҳисоб-нашриёт т.: 2,33. Шартли б.т.: 2,79.
Адади: 300 нусха.
Буюртма № 69

«АКАДЕМНАШР» нашриётида нашрга тайёрланди
ва чоп этилди.
100156, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
20^А-мавзе, 42-уй.

Тел.: (+998 71) 217-16-77
e-mail: akademnashr@mail.ru